

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: доц. *Д.А.Шодибекова***

Тошкент – 2014

# **“МЕНЕЖМЕНТ” малака ошириш йўналиши бўйича**

## **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУР**

### **1.КИРИШ**

#### **“Менежмент” малака ошириш йўналиши бўйича ўқув курсларининг мақсади ва вазифалари**

Мамлакатимизда бозор муносабатларини чукурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва глобаллашув йўлидан бораётган жараёнда янгича фаолият олиб бориш ва янгича фикрлаш услубларини талаб этмоқда. Бозор иқтисодиёти ҳаётимизда тобора кенгроқ кўлам олаётган шароитда иқтисодиёт соҳасида таълим олаётган мутахассислар кўп қиррали билимга эга, чуқур мулоҳаза ва мушоҳада асосида фаолият олиб боришида қодир, ўз ишини пухта эгаллаган мутахассис бўлиши шарт. Айниқса, ишлаб чикариш фаолият билан шугулланувчи амалиётчиларга жуда юқори талаблар қўйилади. Айнан шу пайтда хўжалик фаолиятининг унумдорлигини ошириш мақсадида менежментдан фойдаланиш нафакат мақсадга мувофиқ, балки объектив жиҳатдан зарурдир.

Ушбу дастурдаги курсларнинг асосий мақсади “Менежмент” йўналишида педагогик фаолият олиб борувчи профессор - ўқитувчилар учун замонавий педагогик ва профессионал билим кўникмаларини ҳосил қилиш орқали уларнинг касбий малакасини ошириш хисобланади.

Тингловчиларга мазкур йўналиш ўқув курслари хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари”номли асарида келтирилган материаллари, қоидалар ва хуносаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш дастурни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

#### **Курслар бўйича тингловчиларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

“Менежмент” йўналиши бўйича малака ошириш курсларини ўзлаштириш жараёнида тингловчилар:

- ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий модели тўғрисида замонавий билим кўникмаларига эга бўлишлари керак;

- давлат таълим стандартлари, ўқув режаларини модернизациялашнинг мазмун ва моҳияти, олий таълим тизимининг меёрий хуқуқий асослари, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, масофавий таълим асослари, истиқболлари ҳамда маутақил таълимни ташкил этиш ва баҳолаш тўғрисида тингловчилар янги замонавий билим кўникмаларига эга бўлишлари керак;

- мутахассислик фанлари бўйича замонавий билим ва кўникмаларига хусусан, менежментнинг муаммолари тўғрисида янги билим кўникмаларига эга бўлишлари керак.

#### **“Менежмент” малака ошириш йўналиши бўйича ўқув курсларини ўқитишидаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

“Менежмент” малака ошириш йўналиши бўйича ўқув курсларини тўлиқ ўзлаштириш учун ҳар бир мавзуларда қўриладиган маслалардан келиб чиқсан ҳолда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда ўқув ва услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар, ақлий хужум, электрон материаллар, блиц-опрос, кластер, инсерт, “Бумеранг”, “Кичик гуруҳлар”, ва бошқа илғор педагогик технологиялардан, шунинdek мультимедиалардан, Power Point компьютер дастуридан фойдаланилади.

**Ўқув соатларининг фанлар ва ўқув модуллар бўйича тақсимоти**

№	<b>Фанлар ва ўқув модуллар номи</b>	Ўқув юкламалари	Жумладан						
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	Тажриба алмалаш	Мустақил тайёргарлик	Битирув иши химояси	Якуний назорат
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича маҳсус курс	4	4	-	-	-	-	-	-
2.	Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини модернизациялаш	4	4	-	-	-	-	-	-
3.	Олий таълим: хукуқий ва меъёрий асослари	6	6	-	-	-	-	-	-
4.	Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари	14	8	4			2		
5.	Масофавий таълим асослари ва истиқболлари	10	6	4					
6.	Мустақил таълимни ташкил этиш ва баҳолаш	14	6	4			2		2
7.	Таълим тизимида менежмент муаммолари	24	8	8	2	2	2	2	
8.	Стратегик менежмент	20	6	6	2	2	2	2	
9.	Кичик бизнесни бошкариш стратегияси	20	8	8			2	2	
10.	Инновацион менежмент	18	6	6			2	4	
11.	Молиявий менежмент	10	6	4					
12.	Ишлаб чикаришда менежмент								
	<b>Жами:</b>	<b>144</b>	<b>68</b>	<b>44</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>12</b>	<b>10</b>	<b>2</b>

## **2.АСОСИЙ ҚИСМ**

### **2.1. Ўқув модуллари ва маъруза машғулотлари намунавий мавзулари**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича маҳсус курс(4 соат).**

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари. Унинг келиб чиқиш сабаблари. Етакчи таҳлил ва экспертлик марказларининг глобал молиявий инқироз борасидаги хulosалари. Молия-банк тизимидағи инқирознинг реал сектор ҳамда ижтимоий соҳаларга салбий таъсир кўрсатиши. Глобал молиявий инқирознинг жаҳон молия-банк тизимидағи жиддий нуқсонлар маҳсули эканлиги. Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация моделида молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиши ва салбий оқибатлари таъсирига қарши тамойилларнинг мужассам эканлиги. Ўзбекистоннинг ташқи қарз борасидаги оқилона ва узокни кўзловчи иқтисодий сиёсати. Жаҳон молиявий инқирози таъсирини камайтириш ва оқибатларини бартараф этиш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги.

Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги мэрраларга чиқишининг ишончли йўлидир. Инвестиция жараёнларини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг фаолияти. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг натижалари. Иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг ўрни. Касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганлиги. Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни, таркибий тузилиши ва унга киритилган асосий тадбирлар. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга кўйиши.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 14, 15, 16, 18, 32,**

#### **Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини модернизациялаш (4 соат)**

Стандартлар техник норматив хужжат сифатида. Таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқилиши. Халқаро талабларга жавоб берувчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш. Ишчи ва мутахассисларни халқаро меҳнат бозорида тўсиқларсиз иштирок этишини таъминлаш. Таълим хизматлари сифатига аниқ талабларни белгилаб кўйилиши, кадрлар сифатини ошириш.

Давлат таълим стандартлари, уларнинг мақсади ва вазифалари. Давлат таълим стандартларини таркиби. Таълим йўналишлари негизидаги йўналиш ва мутахассисликларнинг умумий тавсифи. Таълим дастурларининг фанлар блоки бўйча талаблар. Фанлар блокининг зарурий мазмуни. Бакалавр ва магистрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув режалар ишлаб чиқиш учун ихтисосликнинг интеграллашган курслари бўйича таълим дастурининг намунавий таркиблари.

Давлат таълим стандартлари асосида ўқув режаларини ишлаб чиқиш тартиби. Ўқув режаларининг асосий таркибий элементлари. Намунавий ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби. Намунавий ўқув режалари фан блокларининг хусусиятлари. Намунавий ўқув режаларини ишлаб чиқишида таянч олий ўқув юртларининг ваколатлари. Ишчи ўқув режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби. Ишчи ўқув режаларида вақт бюджетининг тақсимланиши. Ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқишида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларининг ваколатлари. Ўқув режаларини модернизациялаш ва унинг зарурлиги.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 1, 2, 15, 17,**

### **Олий таълим: хуқуқий ва меъёрий асослари(6 соат).**

Ўзбекистонда таълим тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. Таълим тизимининг меъёрий- хуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва Қонунлари. “Таълим тўғрисида”ги Қонун: унинг мақсади ва вазифалари. Таълим тизими ислоҳ қилиш ва модернизациялашда Қонуннинг аҳамияти. Олий таълим меъёрий- хуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади ва вазифалари, рўёбга чиқариш босқичлари. Кадрлар тайёрлашдаги касбий ва малакавий ўзгаришлар. Тингловчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизми. Якуний давлат аттестация синовларини ташкил қилиши. Магистрлик диссертация иши, битирув малакавий иши, курс иши ва рефератлар тайёрлашнинг услубий асослари.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 1, 2, 7, 15.**

### **Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари(8 соат).**

Менежмент йўналиши бўйича фанларни ўрганишда педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсади, вазифалари. Педагогик технологияларнинг мақсади ва тузилиши. Педагогик технологияларнинг турлари ва таснифи.

Таълим технологияси: тизимли ташкил этувчилар, таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг жараёнли тузилмаси ва уни амалга ошириш. Бошқарув- таълим технологиясининг таркиби. Таълим усули- таълим технологиясининг таркибий ташкил этувчиси. Таълимни ташкиллаштириш шакллари- таълим технологиясининг таркиби. Таълим воситалари- таълим технологиясининг таркиби. Семинар- таълим технологиясининг таркиби сифатида. Тингловчиларнинг мустақил фаолиятларини педагогик бошқариш. Машғулотларда замонавий ўқитиш технологиялари.

Ахборот ва жамиятни ахборотлаштириш тушунчаси. Иқтисодий масалаларни ечишга тайёрлаш. Алгоритмик тузилмаларнинг шакллари. Замонавий ҳисоблаш техникаси воситаларини туркумлаш. Шахсий компьютер архитектураси. Шахсий компьютернинг дастурий таъминоти. Сервис дастур таъминоти. Амалий дастурий таъминотлар ва уларнинг тузилиши. MICROSOFT WINDOWS дастури тўғрисида асосий маълумотлар. Матн таҳирлагичи MS WORD ва электрон жадваллар билан ишлаш дастури- MS EXSEL. Компьютер графикаси. Шахсий компьютернинг график имкониятлари. Амалий дастурлар пакети. Муаммога мўлжалланган амалий дастурлар пакети. Умумвазифали амалий дастурлар пакети. MS ACCESS маълумотлар базасини бошқариш тизими. Электрон жадваллар- информацион қидирув тизими воситаси сифатида. Фойдаланувчилар учун ўргатувчи дастурлар.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 1, 2, 3, 33, 34, 35, 36, 40.**

### **Масофавий таълим асослари ва истиқболлари(6 соат).**

Ахборот технологиялари ва уларнинг таълимдаги ўрни. Ахборот хавфсизлиги ва ҳимоя қилиш усуллари. Компьютер тармоқлари ва уларда ишлаш асослари. Масофали ўқитишининг ахборот технологиялари.

Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофали ўқитишининг ҳозирги кундаги аҳволи. Масофали ўқитиши ва уни ташкил қилиш асослари. Масофали ўқитиши тизими учун ўқув материалларни яратиш технологияси. Масофали ўқитишида ўқув матнига талаблар. Масофали таълим учун электрон дарсликларни яратишнинг назарий асослари.

Масофали ўқитиши моделлари ва технологиялари. Масофали ўқитишининг ташкилий ва услубий моделлари. Масофали ўқитишида ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари. Масофали ўқитиши жараённада таълимни режалаштириш ва натижаларни таҳдил қилиш услубиёти. Кадрларни малакасини оширишнинг масофали ташкил этиш услубиёти. Масофали ўқитишида тингловчилар билимлари сифатини назорат қилиш. Масофали ўқитишининг самарадорлигини аниқловчи омиллар.

Хорижда ва республикада масофали таълимнинг ташкил этилиши ҳамда уни ривожлантириш йўналишлари. Хорижий мамлакатларда масофали таълим. Республикада масофали таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 1, 3, 4, 33, 34, 39**

### **Мустақил таълимни ташкил этиш ва баҳолаш(6 соат).**

Мустақил таълимнинг мазмуни, мақсади ва асосий шакллари. Тингловчилар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари. Мавзуларни мустақил ўзлаштиришни ташкил этиш. Реферат орқали мустақил ишларни самарали ташкил этиш. Кўргазмали воситалар тайёрлаш орқали мустақил таълимни ташкил қилиш. Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш. Илмий мақола, тезислар ва маъruzалар тайёрлаш. Талабаларнинг илмий-назарий конференцияларини ташкил этиш орқали бажариладиган мустақил таълим. Мустақил ишни амалга оширишда тингловчи бажариши лозим бўлган вазифалар. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби. Талабалар мустақил ишларини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 2, 7, 8.**

### **Таълим тизимида менежмент муаммолари (8 соат)**

Таълим тизимида бошқариш жараёнини такомиллаштириш муаммолари. Бошқариш функциясининг турлари. Бозор хўжалик механизми шароитида таълим тизимида бошқариш функцияларининг такомиллаштирилиши. Бозор иқтисодиёти шароитида таълим тизими менежментнинг қонунлари ва тамойилларини ўрганишнинг аҳамияти. Бошқариш функцияларини марказлаштиришнинг нисбий оптималлиги қонуни. Бошқариш қонунларининг менежмент амалиётида қўлланилиши. Таълим тизимида менежмент тамойилларининг таркиби ва моҳияти. Бошқариш ташкилий тузилишининг турлари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини лойиҳалаштириш. Давлат бошқаруви ва хўжалик хокимиятларини бошқариши. Ўқув юртлари тузилмаларининг шаклланиши. Бошқарув янги тузилмаларини шакллантириш ва фаолиятига бозорнинг таъсир этиши.

Таълим тизимида менежмент усусларининг турлари. Ташкилий-фармойиш усули, унинг моҳияти ва тавсифи. Менежментнинг социал-психологик усуслари, уларнинг турлари ва мазмуни. Менежментнинг аҳлоқий ва руҳий аспектлари. Менежментнинг ҳуқуқий усуслари. Бозор иқтисодининг ривожланиши ва бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда менежмент комплекс усусларининг аҳамияти. Таълим тизимида менежментнинг ҳуқуқий усуслари. Таълим тизимида бошқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда менежмент усусларининг аҳамияти.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 13, 19, 21, 22, 23, 27**

### **Стратегик менежмент (6 соат)**

“Стратегик менежмент” фанининг предмети, вазифалари. Фирма компания стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича менежерларнинг вазифалари. Компания миссияси ва стратегик қарашларини белгилаш. Стратегик бошқариш мақсади. Мақсадларнинг турлари: қисқа муддатли, узоқ муддатли, молиявий, стратегик. Стратегияни белгилашга таъсир этувчи омиллар: ички омиллар, ташқи омиллар. Стратегияга аниқликлар, ўзгартиришлар киритиши. Стратегияни амалга ошириш бўйича маъмуриятнинг вазифалари. Стратегик бошқаришнинг беш вазифаси. Стратегияни ишлаб чиқиш услуби. Ташкил этиш стратегияси. Стратегиянинг ташкилий даражалари. Корпоратив стратегия. Ишбоп стратегия. Функционал стратегия. Амалий стратегия. Стратегия турларининг ўзаро баглиқлиги.

Стратегияни белгиловчи омиллар: ахлоқ-одоб меъёрлари, жамият манфаатлари, ижтимоий манфаатлар, жамият талаблари, тартибга солувчи меъёрлар, акционерлар ва умумий жамият манфаатлари, компаниянинг фуқаролик мавқеи. Тармоқнинг жозибадорлиги ва рақобат даражаси. Компания яхши бажара оладиган ишлар. Менежерларнинг бизнес фалсафаси. Стратегия ва маънавият. Компаниянинг таъминотчилар олдидағи бурчи. “Яхши

фуқаро” тушунчаси. Стратегияни ишлаб чиқишига ёндошув турлари. Бош стратегик ёндошув. Ваколатларни бошқаларга ўтказиш. Бирликда колл оборациион ёндошув. Ташаббускор ёндошув. Голиб стратегия мезонлари. Мувофиқ келиш даражаси. Рақобат курашида устунлик. Ишларнинг жадаллашуви.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 9, 10, 19, 24, 27, 29.**

**Кичик бизнесни бошқариш стратегияси (8 соат)**

“Кичик бизнесни бошқариш стратегияси” фанининг предмети, вазифалари. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнесни ахамияти ва асосий мезонлари. Кичик бизнес стратегияси ва тактикаси. Кичик бизнесни ривожланишига таъсир курсатувчи омиллар. Узбекистон Республикасида кичик бизнесни ривожланиши ва шаклланиши. Кичик бизнес корхоналарини яратиш ва руйхатга олиш тартиби. Давлат томонидан қуллаб-куватлаш тадбирлари. Кичик бизнес корхоналарини кайта ташкил этилиши ва ликвидация килиш тартиби. Кичик бизнес фаолиятини комплекс тахлили. Харажатларни тахлили. Кичик бизнес корхоналари фаолиятини самарадорлигини тахлили. Режалаштириш элементлари. Бизнес-режани ишлаб чикиш. Кичик бизнес корхоналарини бошқариш даражалари. Кичик бизнес корхоналарини бошқариш психологияси.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 9, 10, 23, 24, 25, 30**

**Инновацион менежмент (6 соат)**

Бошқарув назарияси ва амалиётида инновацион менежментнинг ўрни. Инновацион менежментни ўрганишнинг асосий вазифалари. Бозор иқтисодиёти шароитида инновациялар. Инновацияларни юзага келтирадиган ўзгаришлар. Инновацияларнинг таснифи. Инновацияларни даромад манбаига айлантириш. Корхона ва ташкилотларда инновацион менежмент структураси. Инновациялар портфели. Инновацияларни илмий, хуқуқий, ресурсли ва ахборотли таъминоти. Инновацияларни мувофиқлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш. Инновацион ва инвестицион лойищлар ўртасидаги баглиқлик. Инновацион стратегия. Инновацион менежментда илмий, тизимли, жараёнли, ижтимоий-психологик, иқтисодий-математик, лойиҳали ва маркетингли ёндашувлар. Инновацияларнинг ҳаётийлик цикли концепцияси.

Миллий инновацион тизимлар структураси ва унинг асосий параметрлари. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг инновацион тизимларини ташкил этиши. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида инновацион тизим. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг бевосита ва билвосита усууллари. Ўзбекистон Республикасида янги инновацион механизм. Инновацион дастурлар. Интеллектуал мулк ва унинг давлат томонидан химоя қилиниши. Интеллектуал мулкни химоя қилишнинг асосий турлари: патентлар, муаллифлик хуқуқини берувчи гувоҳномалар ва товар белгилари. Инновацион фаолиятнинг хуқуқий тартибга солиниши ва инновацияларнинг химоя қилиниши. Ўзбекистон Республикасида инновацияларни химоя қилиш қонунчилигини ривожлантириш. Минтақаларнинг инновацион ривожланиш дастурлари билан инвестицион ривожланиш дастурлари ўртасидаги баглиқлик. Инновацион ташкилотларга давлат томонидан бериладиган имтиёзлар.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 19, 24, 25, 28**

**Молиявий менежмент (6 соат)**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молиявий менежмент функциялари, вазифалари ва мақсади. Молиявий менежмент объектлари ва субъектлари. Шахснинг психологик жиҳатлари. Мехнатни нормалаш асослари. Мехнатга ҳақ тўлашни ташкил этиши. Инсон ресурсларини бошқариш. Ишлаб чиқаришга самарали ишчи кучини жалб этиши. Самарали ишчи кучини шакллантириш. Ишчи ходимларни рагатлантириш тизими. Мехнатга ҳақ тўлаш структураси. Молиявий менежмент тадбиркорлик фаолиятининг шакли сифатида. Фирмаларни қисқа муддатли молиялаштириш. Пул маблагарининг менежменти. Молиявий

таваккалчилик. Фирма капитал ва молиявий ресурсларни харакатини бошқариш йўллари. Ички фирма қарзларини компенсацияси. Фирмаларни молиялаштиришнинг кўзда тутилмаган манбалари. Банк орқали молиялаштириш. Банк орқали молиялаштиришда фойдаланиладиган валюта турларининг классификацияси. Еврокредитларнинг умумий тавсифномаси. Кимматли когзлар бозори орқали молиялаштириш. Узоқ муддатли молиялаштиришнинг ташқи манбалари. Молиявий менежмент шаклларини альтернатив қийматини баҳолаш. Молиявий менежментини такомиллаштиришга тизимли-ситуацион ёндашув. Истеъмолчи учун зарур бўлган янги маҳсулотнинг ўзлаштирилиши, маҳсулот сифатини оширилиши. Молиявий менежментига ягона тизим сифатида ёндашиш. Инвестицион лойиҳасининг мазмуни ва уни ишлаб чиқиш. Молиявий менежментининг ташкилий-иктисодий моделини ишлаб чиқиш. Бошқарувнинг ташкилий-иктисодий асослари. Янги корхоналар учун лойиҳалар ишлаб чиқиш. Молиявий менежментини такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 9, 10, 19, 24, 29.**

### **Ишлаб чиқаришда менежмент (6 соат)**

Операцияларни тадқиқот қилиш усуллари (ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш тармоқларни). Захира ва сифатни бошқариш тармоқларни. Ишлаб чиқаришни оператив бошқариш тармоқларни. Ишлаб чиқариш ва унинг молиявий натижаларини аниқлашдаги ишбилармонлик ўйинларини кўллаш. Ишлаб чиқаришни оператив бошқариш тармоқларни. Махсулот чиқарувчини режалаштириш. Захираларни бошқариш тармоқларни. Автоматлашган лойиҳалаштириш тизими (АЛТ), Ишлаб чиқаришни бошқариш тармоқларнининг автоматлашган тизми (ИЧБАТ). Операциянинг математик модели. Операцияни ўрганишда масаланинг умумий қўйилиши; операцияларни тадқиқ қилиш масаласи моделининг методологияси; мақсад функциянинг ўзгармас ва ўзгарувчан омиллари (ечим унсурлари); оптималлаш масалалари

Менежмент масалаларини ечишда геометрик усуллар. Операцион менежментда ўйин назариясининг унсурлари. Аralаш стратегиялаги ўйин ечими. 2x2 ўйинининг геометрик талкини. Матрицали ўйинларни чизикли дастурлаш масаласига келтириш. Ишлаб чиқариш ва унинг молиявий натижаларини аниқлашдаги ишбилармонлик ўйинларини кўллаш. Операцияларни бошқаришда тармоқли график ва тўрли режалаштириш.

**Фойдаланиладиган адабиётлар: 9, 10, 11, 13, 19, 22.**

### **2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.**

Амалий машғулотлар семинар, амалий машғулотлар кўринишларида ташкил этили, унда тингловчилар мъруза машғулотларида олинган билимларни қўшимча адабиёт ва амалий маълумотлар асосида кенгайтирадилар ва мустаҳкамлайдилар.

Семинар ва амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари(4 соат).

Масофавий таълим асослари ва истиқболлари(4 соат).

Мустақил таълимни ташкил этиш ва баҳолаш(4 соат).

Таълим тизимида менежмент муамолари (8 соат)

Стратегик менежмент (6 соат)

Кичик бизнесни бошқариш стратегияси (8 соат)

Инновацион менежмент (6 соат)

Молиявий менежмент (6 соат)

Ишлаб чиқаришда менежмент (6 соат).

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда тингловчилар мъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини семинар машғулотлари, амалий масалалар ечиш, лаборатория машғулотларини олиб бориш, ишбилармон ўйинлар, кириш ва чиқиш тестлари орқали бойитадилар.

### **3.Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчилар мустақил ишни ташкил этишда “Менежмент” малака ошириш йўналишининг ўқув курслари хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир тингловчининг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини хисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни турли хил ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория машғулотларини олиб бориш;
- битирув иши тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш (кейс-стадилар орқали);
- илмий мақола, анжуманларга маъруза тезисларини тайёрлаш.

“Менежмент” малака ошириш йўналиши бўйича мустақил ишнинг мазмуни тингловчиларни фаннинг аниқ мавзулари ёки жаҳон молиявий - иқтисодий инқизози шароитида миллий иқтисодиётимиздаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича бўйича мустақил тадқиқот олиб боришадилар.

Мустақил ишни ташкил этиш воситалари сифатида интернет тизими, маълумотлар базаси, виртуал кутубхоналар базасидан фойдаланилади.

### **4.Тавсия этиладиган битирув ишларнинг мавзулари:**

1. Жаҳон молиявий инқизозининг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари.
2. Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция мухитини яратиш бўйича ислоҳотлар.
3. Бозор муносабатларининг шаклланиш даврида бошқарув вазифаларининг узгариши.
4. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бошқарувини ташкил этиш.
5. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бошқарувининг роли ва уни тақомиллаштириш зарурияти.
6. Бозор иқтисодиёти шароитида менежмент конунлари ва тамойилларини урганишнинг ащамияти.
7. Бошқариш конунларининг менежмент амалиётида кулланилиши.
8. Бошқариш ташкилий тузилишининг турлари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари.
9. Давлат томонидан бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг шакллари ва усуллари.
10. Давлат бошқарув органларининг тузилиши ва "Узбекистон Республикасида маъмурий территориал тузилиши масалаларининг хал килиниш тартиби тугрисида" Конуни.
11. Саноат корхоналарида бошқарув тизимини шакллантириш.
12. Рақобат ва эркин тадбиркорлик учун шароитлар яратилиши.
13. Бозор иқтисодининг ривожланиши ва бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда менежмент комплекс усулларининг ащамияти.
14. Бошқарув янги тузилмаларини шакллантириш ва фаолиятига бозорнинг таъсир этиши.
15. Бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини лойихалаштириш..
16. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонани ривожланиш стратегияси

### **5.Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

“Менежмент” малака ошириш йўналиши бўйича ўқув курсларини ўқитиш жараёнида интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникацияларнинг презентацион, мультимедиа, электрон-дидактик технологияларидан кенг фойдаланилади.

## **6.Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

### **Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 август. Т.: “Адолат”, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. Олий таълим. Меъёрий хужжатлари тўплами: Муаллифлар жамоаси. – Т.: Шарқ , 2001, 672 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 2004.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 2004.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабр. “Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси. 1999.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассаларида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғи, 2009 йил 7 август, 276-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 авгуустдаги 286-сонли бўйруғига 1-илова. “Тингловчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш” бўйича йўриқнома.
9. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб – қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 4058 – сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2009
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 3722-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2006 йил 23 феврал.
11. “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2006 йил 5 январ.
12. «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил 11 апрел
13. “Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётини эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 3618– сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил 14 июн.
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 56 б.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.-Т.: Ўзбекистон, 2009, 56 б.
16. “Ўзбекистон конститутцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятни барпо этишда мустаҳкам пойдевор” - Президент И.А Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси, Тошкент // Халқ сўзи, 2009 йил, 6 декабр.
17. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами: /С.С.Гуломов таҳрири остида; Тузувчилар: Б.Х.Рахимов, Ш.Д.Жонбоев ва бошқ.–Т.:Шарқ, 2001, 672 б.
18. Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009 й.
19. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: - М.: Дело, 2005. - 702 с.

20. Туляганова Д.С. и др. Оценка эффективности управления в экономике. Монография. - Т.: Фан, 2003. - С. 68-79.
21. Туляганова Д.С. Менежмент фанидан практикум. Ўкув кўлланма. - Т.: Фан, 2002. - 135 б.
22. Туляганова Д.С., Ақаитдинова М.А. Менежмент социологияси ва психологияси. Ўкув кўлланма. - Т.: ТДИУ, 2004. - 90 б.
23. Туляганова Д.С. Практикум по менеджменту. Учебное пособие. - Т.: ТГЭУ, 2004. - 155 с.
24. Суетенков Е.Н., Паско Н.И. Основы менеджмента: Учебное пособие. - М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. - 240 с.
25. Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: Учебник. - М.: Экономист, 2005. 288 с.
26. Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник. 4-е изд., перераб. и доп. - М: Юнити-Дано, 2004. - 511 с.
27. Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менеджмент. Дарслик - Т.: Ўқитувчи. 2002. - 256 с
28. Уткин Э. А. Курс менеджмента. Учебник. - М.: Зерцало, 2002, - 565 с
29. Зайнутдинов Ш. Н. ва бошқалар. Менеджмент асослари. Дарслик - Т.: Молия, 2001. - 212 б.
30. Бекмуродов А., Болтабоев Н., Амонбоев М., Тошхўжаев М. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 1-қисм. Макроиқтисодий сиёsat ва иқтисодий ислоҳотлар. Т.: ТДИУ, 2005 . 60 б.
31. Самуэльсон Пол Э.Нордхаус Вильям Д. Экономика, 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО “И.Д. Вильямс”, 2009. -1360 с.
32. Делягин М.Г. Драйв человечества. Глобализация и мировой кризис. – М.: Вече, 2008.-528 с.
33. Ходиев Б.Ю., Бегалов Б.А. ва б. Информатика. Олий ўкув юртлари тингловчилари учун Дарслик. Академик С.С.Ғуломов таҳрири остида. Т.ТДИУ. 2007
34. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўкув юртлари тингловчилари учун ўкув қулланма // Муаллифлар: Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Қ.А.Алимов ва бошқалар.; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2004. – 320 б.
35. Бордавская Н.В., Рена А.А. Педагогика. – М.: «Питер», 2004.
36. Гуревич П.С. Психология и педагогика. – М.: «Проект»,2004.
37. Толипов Ў., Баракаев М., Шарипов Ш. Қасбий педагогика.-Т.:ТДИУ, 2001.
38. **Бекмуродов А. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. 1,2,3,4,5 қисмлар. -Т.: ТДИУ, 2005.**
39. Абдуқодиров А.А., А.Х.Пардаев Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти.-Т.: “Фан”, 2009.
40. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш.- Т.: “Иқтисодиёт”, 2009 й.- 206 б.

### **Қўшимча адабиётлар**

- 1.Райченко А. В. Общий менеджмент. – М.: ИНФРА-М, 2006
- 2.Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менеджмент асослари. Т.: Молия, 2006.
- 3.Инновационный менеджмент. Под ред. В. М. Аньшина, А. А. Дагаева. – М.: Дело, 2006.
- 4.Инновационный менеджмент. Под ред. д.э.н., проф. Л. Н. Оголовой. – М.: ИНФРА-М, 2006.
- 5.<http://www.chat.ru/~antorlov/orlov.htm> Сергей Рубцов. Все о научном менеджменте
6. <http://or-rsv.narod.ru/> Электронный журнал по биржам МС&МА
7. <http://www.tokarev.nnov.ru/mc-ma.htm> Журнал "Менеджмент в России и за рубежом"

# **ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

## **КИРИШ**

«Инновацион менежмент» ўқув курси бўйича таълим технологияси маъруза ва амалий машғулотларни лойиҳалаш технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланма кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари ҳамда маъруза ва амалий машғулотларда ўтишиш технологияларидан таркиб топган.

Таълим технологиясининг концептуал асослари бўлимида «Инновацион менежмент» ўқув курсини ўтишнинг долзарблиги асосланган, мазкур курснинг тузилмаси келтирилган ҳамда курс бўйича ўтишнинг мазмуни очиб берилган. Шу билан бирга ўтиши, коммуникация, ахборот ва таълим жараёнини бошқариш усуллари ва воситаларининг концептуал асослари ёритилгандир.

Сўнгра курс бўйича ўтишиш технологиялари лойиҳалаштирилган:

1) маъруза машғулотларини олиб боришнинг кириш-маъруза, мавзу асосида маъруза, муаммоли маъруза, визуаллаштирилган маъруза ва якунловчи маърузалар кўринишлари қўлланилиши;

2) амалий машғулотларни олиб боришнинг топшириқларни индивидул тарзда ёки гуруҳда бажарилиши, вазиятли ишланма – кейс-стадилар усули, назарий билимлар асосида билимлар ва кўникмаларни чуқурлаштиришга йўналтирилган амалий топшириқларни бажарилиши.

Курснинг структурасини мундарижа билан биргаликда схема кўринишида ҳам берилганлиги китобда йўналишни янада осонлаштиради.

Мазкур таълим технологияси барча олий ўув юртларида, малака ошириш курсларида, ўтишиш технологиясида кўзда тутилган шароитлар ва вақти мавжуд бўлган ҳолда «Инновацион менежмент » курсини олиб боришда ўқитувчи томонидан кўлланилиши мумкин.

## **«Инновацион менежмент» ўқув курси буйича таълим технологиясининг концептуал асослари**

### **1. «Инновацион менежмент» ўқув курсининг мазмуни**

---

Бошқарув назарияси ва амалиётида инновацион менежментнинг ўрни. Инновацион менежментни ўрганишнинг асосий вазифалари. Бозор иқтисодиёти шароитида инновациялар. Инновацияларни юзага келтирадиган ўзгаришлар. Инновацияларнинг таснифи. Инновацияларни даромад манбаига айлантириш. Корхона ва ташкилотларда инновацион менежмент структураси. Инновациялар портфели. Инновацияларни илмий, хуқукий, ресурсли ва ахборотли таъминоти. Инновацияларни мувоғиқлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш. Инновацион ва инвестицион лойищалар ўртасидаги bogliqlik. Инновацион стратегия. Инновацион менежментда илмий, тизимли, жараёнли, ижтимоий-психологик, иқтисодий-математик, лойиҳали ва маркетингли ёндашувлар. Инновацияларнинг ҳаётийлик цикли концепцияси.

Миллий инновацион тизимлар структураси ва унинг асосий параметрлари. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг инновацион тизимларини ташкил этиши. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида инновацион тизим. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бевосита ва билвосита усуллари. Ўзбекистон Республикасида янги инновацион механизм. Инновацион дастурлар. Интеллектуал мулк ва унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг асосий турлари: патентлар, муаллифлик хуқуқини берувчи гувоҳномалар ва товар белгилари. Инновацион фаолиятнинг хуқукий тартибга солиниши ва инновацияларнинг ҳимоя қилиниши. Ўзбекистон Республикасида инновацияларни ҳимоя қилиш қонунчилигини ривожлантириш. Минтақаларнинг инновацион ривожланиш дастурлари билан инвестицион ривожланиш дастурлари ўртасидаги bogliqlik. Инновацион ташкилотларга давлат томонидан бериладиган имтиёзлар.

### **2. Ўқув курси бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ўтиш технологияларини ишлаб чиқишининг концептуал асослари**

---

Ўзбекистон уз истиклол ва тараккиёт йулидан ривожланиб, халкаро майдонда узининг муносиб урнини топмокда. Давлатимизнинг мустакил тараккиёт йулини таъминлаш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда чукур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ва инсон манфаатига каратилган бу ислохотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига bogliqdir.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга қодир миллий асосга қурилган ва жаҳондаги илфор давлатлар таълими тараққиёти тажрибаларига таянадиган кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий вазифаларидан бирига айланди. 1997 йилда қабул қилинган ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” миллий таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи хужжат сифатида бу соҳадаги ишларни ривожлантиришда яна бир тарихий давр бошланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ахборот технологиялари дастурий воситалари, маълумотларнинг ахборот базалари, мультимедиа асосида таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизимини ахборот тармоғи билан таъминлаш асосида жаҳон андозаларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш масалаларига эътиборни сусайтирмай келмоқда. Узлуксиз таълимга ўтиш шароитида таълим муассасаларининг бу соҳадаги асосий вазифаларини аниқлаб, ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«Компьютерлаш тизимини янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлар тўғрисида»даги қарорида педагогика фани ва амалиёти олдига «... ўрта ва олий таълимнинг таълим стандартларига мувофиқ равишда электрон ўтиш базасини яратиш, таълим муассасаларининг ахборот инфратузилмасини шакллантириш, барча ўув муассасаларида инглиз тилини чукур ўргатиш, шунингдек, Республика ахборот тармоғида лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидан фойдаланишининг стандартлаштирилган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурний чора-тадбирлар...»ни ишлаб чиқиш юклатилган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўув жараёнини яхшилаш, ўув дастурларини янада такомиллаштириш, ўтишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўтишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ходисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ходисаларнинг инъикоси натижасида инсон миясидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги тингловчиларга бериладиган таълим бир хилдир. ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Тингловчи эса ана шу таълим жараённида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўйди, тайёрланади, мушоҳада қиласи, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўйтганларини синтез қиласи. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўиш, дарсларни саволжавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устиворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиқган холда «Менежмент» укув курси буйича таълим технологиясини лойихалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтирамиз:

*Шахсга йўналтирилган таълим.* Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойихалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўиш мақсадларидан келиб чиқган холда ёндошилишни назарда тутади.

*Гизимли ёндошув.* Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

*Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.* Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўув жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодарайди.

*Диалогик ёндошув.* Бу ёндошув ўув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

*Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиши.* Демократлилк, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни каратиш зарурлигини билдиради.

*Муаммоли таълим.* Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

*Ахборотни тақдим қилишининг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш* – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўув жараёнига қўллаш.

Келтирилган концептуал йўриқларга асосланган ҳолда, «Менежмент» курсининг мақсади, тузилмаси, ўув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиқган ҳолда, маълум шароит ва ўув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўтишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни кафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширилди.

*Ўқитишининг усуллари ва техникаси.* Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усулларии, амалий ишлаш усули.

*Ўқитишини ташкил этиши шакллари:* диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асолангандан фронтал, колектив ва гурух.

*Ўқитиши воситалари ўтишнинг анъанавий шакллари* (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

*Коммуникация усуллари:* тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

*Тескари алоқа усуллари ва воситалари:* кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўтиш диагностикаси.

*Бошқарши усуллари ва воситалари:* ўув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўув машғулотларини режалаштириш, кўйилган мақсадга эришишда ўитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

*Мониторинг ва баҳолаш:* ўув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўтишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириклари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

# **1-МАВЗУ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**(маъруза – 2 соат )**

## **1.1. Маърузани олиб бориш технологияси**

<i>Машгулот шакли</i>	<i>Кириш-мавзу бўйича маъруза</i>
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. «Инновацион менежмент», «Менежер» ва «Бизнесмен» тушунчаларининг моҳияти</li> <li>2. Фаннинг предмети ва методи. Бозор иктисодиёти ва менежмент.</li> <li>3. Инновацион менежмент асосларини урганишнинг долзарблиги</li> <li>4. Инновацион менежментнинг бошка фан соҳалари билан алоказорлиги.</li> </ol>
<i>ўқув машгулотининг мақсади</i>	ўқув курси ҳақида умумий тасаввурни бериш.
<i>Педагогик вазифалар:</i> курснинг мақсади ва вазифалари билан таништиради;	<i>ўқув фаолияти натижалари:</i> курснинг мақсади ва вазифаларини айтиб бера оладилар;
курснинг тузилмаси, ўув фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати ҳақида маълумот беради	курснинг тузилмаси, ўув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш шаклларини айтиб бера оладилар;
бошқариш назарияси ва амалиёти ютуқлари ёритилади;	бошқариш фаолияти назарияси ва амалиёти ютуқларини ёритиб бера оладилар;
менежер, раҳбар, бизнесмен, тадбиркор тушунчалари ёритиб берилади;	менежмент, менежер, раҳбар, тадбиркор тушунчаларига таъриф бера оладилар;
бошқарув жараёни ва менежер вазифалари моҳиятини очиб бериш	бошқарув жараёни ва менежер вазифалари моҳиятини очиб бера оладилар
бошқариш жараёнини амалга ошириш йулларини тушунтирилади	бошқариш жараёнини амалга ошириш йулларини айтиб бера оладилар
бошқариш вазифалари асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш йуллари тушунтирилади	бошқариш вазифалари асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш йулларини билиб оладилар
ўқитиш воситалари	маъруза матни, компьютер слайдлари, доска
ўқитиш усуллари	маъруза, намойиш, блиц-сўров, пинборд техникиаси
ўқитиш шакллари	фронтал, коллектив иш
ўқитиш шароити	компьютер, мультимедиа проектор (ёки проектор ва LCD панель)

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
1-босқич. Курсга ва мавзуга кириш (20 мин)	1.1. ўқув курсининг номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари, тингловчилар билимларини баҳолаш мезонлари билан таниширади.	Тинглайдилар
	1.2. Мазкур курс бўйича ўргани-ладиган мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Асосий адабиётларнинг рўйхати билан таниширади. ўқув дастури ва тарқатма материални тингловчиларга тарқатади.	Ёзадилар, тинглайдилар
	1.3. Биринчи ўув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.4. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни санаб беришни сўрайди	Тушунчаларни санаб берадилар
2-босқич. Асосий бўлим (50 мин)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таниширади.	Тинглайдилар
	2.2. Маъруза режасининг 2-6 пунктлари бўйича тушунтиради, ҳар бир пункт ниҳоясида умумлаштириб боради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади.  Менежер, тадбиркорлик фаолиятини бошкарув вазифалари асосида олиб борилишига мисол келтирилади	Тинглайдилар. Тарқатма материаллар тўпламида келтирилмаган қирраларини конспект қилиб борадилар.
	2.3. Таянч ибораларга қайтилади. Тингловчилар иштироқида улар яна бир бор такрорланади (Пинборд усулида). Мавзуга оид бўлмаган иборалар олиб ташланиб, керакли тушунча ва иборалар қўшилади.	Хар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳока-мақиладилар.  Барча ахборотни тизимлаштирадилар. Конспект қиласилар.
3-босқич. Якунловчи (10 мин)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласи. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қиласи.	Саволлар берадилар
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	
	3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.	Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар
	3.4. Мавзу бўйича билимларни чу-қурлаштириш учун адабиётлар рўйха-тини беради.	ёзадилар
	3.5. Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради.	ёзадилар

### **Мавзуни жонлантириш учун саволлар**

1. Инновацион менежмент нима?
2. Инновацион менежментга кандай билимлар зарур?
3. Менежер ва тадбиркор кандай хусусиятлари билан фаркланади?
4. Инновацион менежментнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Инновацион менежментнинг амалий кисми нимани урганади?
6. Бошкарув муносабатлари деганда Сиз нимани тушунасиз?
7. Менежментнинг кандай методларини биласиз?
8. Инновацион менежмент объекти ва субъекти деганда нимани тушунасиз?

### **Кириш-ахборот маъruzанинг технологик картаси**

Иш боскичлари	Фаолият мазмуни	
	Уқитувчи	Тингловчи
- ишбилармонлик музокараларини ва алоқаларини олиб бориш қоидаларини;

- ташқи кўриниш бўйича умум қабул қилинган талабларни, яъни гапириш, ўзини тутиш, кийиниш маданияти ва бошқаларни;

- хизмат хужжатларини расмийлаштириш тартиби.

Саволлар

1. Сизнинг фикрингизча замонавий бизнесда этикетнинг роли қанака?

2. Юқорида таъкидланган тушунчалардан қайси бири айнан «бизнесмен этикети»га тааллуқли?

3. Қандай этикетлар Ўзбекистон амалиёти ва менталитетига мос келади?

### **топшириқ**

Менежмент амалиётида одамларни бошқаришнинг иккита усули мавжуд: тўгъридан тўгъри хукумронлик қилиш орқали ёки ундан

чекиниш орқали.

Саволлар

1. Сиз фирма ходимларини бошқаришнинг қандай усулини маъқул деб ҳисоблайсиз: бўйсунувчиларга буюриш ёки улар билан маслаҳатлашиш, у ёки бошқа муаммони қандай ечиш самаралий? Ўз нуқтаи

И ОК

назарингизни ва қайси бир усулни танлаганингизнинг сабабини тушунтириб беринг.

2. Норасмий бошқаришнинг директив бошқариш билан таққослагандаги устуворлигини нимада кўрасиз?

### **топшириқ**

Менежмент тарихи ўзида буюк менежерлар номларини мужассамлаштирган. Бу одамлар ўзларининг тугърна қобилияtlари, истеъдолари ва сергъайратликлари билан компанияларни ташкил этишлари ва бошқаришлари натижасида катта натижаларга эришишган,

Схундай менежерлардан бири Ли Яккока ҳисобланади. У «Форд» автомобил қурилиши компаниясини бошқариши натижасида унинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Лекин кейинчалик ушбу корхона раҳбари Генри Форд томонидан асосиз ишдан бўшатилган. Сабаби Генри Форд ўзининг ёнида бундай кучли ва ҳурматга эга бўлган шахснинг

бўхшини хоҳламаган.

Ли Яккока ўзининг ишдан ҳайдалиши сабабли қаттиқ қайғъуга ботади ва фақат бир қанча вакт ўтгандан кейингина «Крайслер» компаниясига раҳбарлик қилиш таклифини қабул этади.

Ўша пайтларда бу компаниянинг молиявий-иқтисодий аҳволи жудаям танг аҳволда бўлиб, барча кўрсаткичлар бўйича АҚШнинг автомобил бозорида ўзининг асосий рақобатчилари бўлган «Женерал Моторз» ва «Форд» фирмаларидан орқада бўлган.

Катта тажрибага, тугъма қобилиятга, сергъайратлилик ва бошқа замонавий менежер сифатларига эга бўлган Ли Яккока умидсиз бўлган ишга қабул этилади. У ишга киришганидан бошлаб зарур бўлган молиявий маблагъларни излаш, ишлаб чиқариш бўлинмалари билан компаниянинг сотув хизматларминг ўзаро фаолиятларини кучайтириш, иш устидан назорат ўрнатиш каби ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширади.

Ли Яккока компания аҳволи барқарорлашгунича, яъни бир неча ойдан кейин «Крайслер» компанияси ҳақиқатдан ҳам ўзини ўнглаб олиб автомобил бозорида яна ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллайди, бунгача ўзига у рамзий тарздаги 1 долларли иш ҳақини

белгилаган,

Саволлар

1. «Крайслер» компаниясининг аҳволини барқарорлаширишда Ли Яккоканинг менежер сифатидаги хизматини нимада кўрасиз?

109

2. Сиз Ли Яккоканинг ўзига рамзий тарзда белгилаган иш ҳақинж қандай баҳолайсиз:

- чиройли хатти-харакат;
- еиарли даражада ўйланмаган қарор;
- менежернинг яхши ҳисоблаб қўйилган қадами. Ўз жавобларингизни исботланг.

### **топшириқ**

Менежернинг муҳим вазифаси жамоанинг ижодий салоҳиятидан максимал даражада фойдаланишга эришиш ҳисобланади. Бунинг учун менежер қуйидагиларни қилиши мумкин:

1. Ходимларга маъқул кеёндиган ишларни таклиф қилиши.

2. Жамоа билан йигъилиш ўтказиши ва фирма ишлари бўйича маслаҳатлашиши.
3. Жарноада фирманинг фаолиятига халақит бермайдиган норасмий гурухларни сақлаши.
4. Ходимнинг ижтимоий фаоллиги учун шароит яратиши.
5. ХодимЖарга анча муҳим ижодий ишларни таклиф этиши.
6. Эришилган натижалар билан уларга мос келувчи тескари алоқаларни таъминлаши.
7. Ҳар бир ходимнинг барча ижобий ютуқларини тақдирлаши ва баҳолаши.
8. Бўйсунувчиларни фурма мақсадини белгилашга ва қарор қабул қиJишгажалб этиши.
9. Бўйсунувчиларга ўз хукуқ ва вакоЖатларининг бир қисмини бериши.
10. Ташаббускор бўйсунувчиларнинг хизмат пиллапояси бўйича кўтарилишини таъминиши.
11. ХодимЖарнинг компетентлигини ошириш мақсадида тайёрлаш ва қайта тайёрлашни доимий равишда ташкил этиши.
12. Бўйсунувчиларга уларнинг салоҳиятини ривожлантириш учун имкониятлар очиши.
13. Ходимларга улардан ўзининг жами имкониятларини ишга солишини талаб этадиган мураккаб ва масъулиятли ишни таклиф этиши.
14. Бўйсунувчиларда ишга ижодий ёндашишни доимо ривожлантириб бориши.

#### **Саволлар**

1. Бўйсунувчиларнинг ишдаги ижодий самарадорликларини ошириш бўйича менежернинг қандай ҳаракатларини асосий деб ҳисоблайсиз ва нима учун?
2. Сизнинг фикрингизча бўйсунувчиларнинг меҳнат унумдорлиги ва фаоллигини оширишга эришиш учун менежер яна қандай чора-тадбирларни кўИлаши мумкин?

#### **топшириқ**

Таҳлилларнинг кўрсатишича корхоналар амалиётига тааллукли бўИган кадрлар сиёсатидаги одатий хатоликларга қўйидагилар киради:

- ишга қабул қилинган ходимнинг корхона тартиб-қоидалари билан танишиш жараёнларидағходим ёлланган пайтида, одатда, ўзини жамоадан ажралгандай сезади);
- ходим истиқболини ёъққа чиқарувчи мартабани режалаштириш;
- етарли даражадаги инфоматсияга эга бўлмаганлиги сабабли ходим ўз манфаатларини корхона манфаатлари билан бирга bogъlamайди;
- ходим ташаббусини «музлатувчи» жавобгарлик ҳисси;
- ходимнинг ўз тассавурларини, эътиrozларини айтиши ва уни қаноатлантирувчи жавобни олишига имкон берадиган коммуни-катсиянинг ёъқлиги.

#### **Саволлар**

1. Сизнинг фикрингизча, яна қандай одатий хатоликлар ва камчиликлар бугунги Ўзбекистонда инсон ресурсларини бошқариш амалиёти учун тааллукли?
2. Агарда сиз Ўзбекистон фирмаларидан бирига кадрлар бўйича менежер қилиб тайинланган бўИганингизда персонални бошқаришда қандай янгиликларни қўллаган бўлардингиз?

#### **15-топшириқ**

«Парадиз» меҳмонхонаси 46 та меҳмонга мўлжалланган 23 та хонага эга. Меҳмонхонада мчмонхона соҳибаси Мен Коллинздан ташқари яна 30 та киши ишлашади. Бир неча йил олдин эски пансион ҳақида, яъни унинг асосида ташкил этилган меҳмонхона тўгърисида туризм бўйича чиқарилган ҳеч бир кўИИанмада тилга олинмаган. Эндиликда эса «Парадиз» меҳмонхонасини ўз классидаги энг зўр меҳмонхоналардан бири деб билишади.

Меҳмонхона нархининг бир мунча юқори бўлишига қарамасдан унда ҳамиша меҳмонлар бўлишади.

Йил мобайнида отел меҳмонлар билан 80 % алрофида банд бўлади. Бу меҳмонхона бизнеси учун яхши кўрсаткич хисобланади.

Ишда Мери қуидаги бир неча тамойилларга асосланган ҳолда ўз раҳбарлигини амалга оширади:

- нархига мос равиша хизмат кўрсатиш;
- ходимларнинг ўzlари бажараётган ишларига бўлган манфаат-дорлигини таъминлаш;
- ташрифчилар ҳақида қайгъуриш.

Мижозларнинг хоҳиши ва истакларини ҳамда келгусида уларга хизмат кўрсатишини ошириш учун меҳмонлардан саволномани тўлғъазиши сўралади. Унда меҳмонхона тўгърисидаги таассуротларини, шу жумладан, хизмат кўрсатишнинг ташкил этилганлиги ва озиқ-овқат сифати тўгърисидаги

фикрлари сўралган.

Ўзингизни маслаҳатчи ролида тасаввур қилинг ва қуидаги оператсияларни бажаринг:

1. Ушбу ҳар бир ёналиш бўйича анкетанинг саволларини шакллантиришга ҳаракат қилинг.
2. Меҳмонхонага ташриф буюрувчиларнинг саволномани тўлғъазишлири учун рагъбатлантириши тизимини таклиф этинг.
3. Меҳмонхона ходимларининг хизмат кўрсатиш сифатини оширишга бўлган қизиқишиларини қандай ошириш мумкин?

#### **топширик**

Менежер ишини баҳолашда унинг жамоада корпоратив маданиятини ўзига хос фткрлар(дунёқарашлар)ини шакллантиришга бўлган қобилияти, яъни ишбилармонлик ва умуминсоний муаммоларни ечишда ходимларни бирлаштириши мухим рол ўйнайди.

Корпоратив маданият, энг аввало, инсон эҳтиёжини қондириш учун зарурий шароитни яратишига асосланади.

Корпоратив маданиятнинг асосий тамойиллари:

- шахсий ташаббусни ривожланириши;
- бажариладиган иш учун жавобгарликни имконият даражасида рагъбатлантириш;
- инсонга шахс сифатида ҳурмат билан қараш. Корпоратив маданиятни яратишининг турли хил ёъллари:
  - у ёки бу муаммо бўйича жамоада турли хил нуктаи назарларнинг бўлишини рагъбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
  - инсон муносабатларининг юқори даражадалиги, вазифаларни жамоавий ечишга интилиш;
  - ходимларнинг бажараётган ишлари учун жавобгарликларининг ошишини таъминлаш мақсадида ўз раҳбари ваколайларининг бир қисмини олиши;
  - турли хил фаолият соҳаларида янгиликлар манбанини ўзида намоён етадиган фикрлашнинг ностандарт шакли.

Лекин жамоани бошқариш бўйича реал фаолиятда менежер корпоратив маданиятни яратиш бўйича унинг имкониятларини чекловчи бир неча мавжуд бўлган объектив ҳолатлар билан тўқнашади. Уларга қуидагиларни киритиш мумкини

1. Мухим шахсий сифатларни шакллантирадиган, корпоратив маданиятга кам таъсир кўрсатадиган ва тезда мослашувчан, яъни жамоада ижодий салоҳияти ва ишлаш қобилияти билан ажаралиб турадиган

ходимларнинг мавжудлиги.

Келтирилган схемада ҳар хил шахсий имкониятларга эга бўлган

ходимларнинг асосий турлари кўрсатилган: Бажариладиган ишлар ҳажми

Новаторлар

Очиқ кўнгил-лилар

Меҳнатсеварлар

Орзумандлар Ижодий салоҳият

2. Аниқлаш мумкин бўлган (ёъқотиши тартиби бўйича) шахснинг тугъма руҳий устоворликларини куйидаги аниқлаш мумкин; а) шахсий; б) гурухий; в) жамоатчилик.

Саволлар

1. Корпоратив маданиятни яратиш бўйича менежер томонидан бошқарилаётган жамоада юқорида таъкидланган объектив чекланишлар шароитида унинг комплекс ҳаракатлари қандай бўлиши

керак?

2. Ўзбекистонда корпоратив маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари борми? Агарда бор бўлса мос келувчи мисолларни келтириб ўтинг.

### **топшириқ**

Персонални бошқариш бўйича халқаро марказнинг бош директории персонални бошқариш соҳаси бўйича ихтисослашган маслаҳат компаниясига мурожаат этди.

Ўзининг уч йиллик фаолияти давомида марказ собиқ учта ҳамкаслар бирлашувидан ўнлаб қасбий таълим дастурларини амалга оширувчи йирик ўқув муассасига айланди. Марказда 15 та штат инструкторлар ва 5 та техник ходимлар ишлашади. Марказ бош директори, шунингдек. даврий равишда бир марталик контракт асосида ташқаридан ўқитувчиларни таклиф қиласди. Марказ раҳбарларни молия, бухгалтерия ҳисоби ва стратегик бошқарув бўйича барча хоҳловчилар учун умумий курсни, шунингдек, ташкилотлар буютмалари бўйича маҳсус дастурларни ишлаб чиқсан ҳолда таълим олиб боради. Охирги келганлар ҳисобига марказ умумий иш ҳажмининг . 70 фойзи тўгъри келади.

Марказ бош директорининг фикрига кўра, ташкилот ривожланишинг бошлангъич давридаги "компания оила" (хар бир киши ҳамма учун кучининг борича ҳаракат қилган) мағкураси тугади. Марказ норасмий ташкилот чегарасидан чиқиб кетган ва хар бир ходим ишини расмий баҳолаш тизимиға эҳтиёж сезади.

Муҳокама учун саволлар

1. Марказ олдида персонални бошқариш соҳасида қандай мақсадлар туриди?

2. Бош директорга ходимлар ишини баҳолашнинг қандай тизимини таклиф этган бўлардингиз?

### **топшириқ**

Кўп миллатли корпоратсиянинг Европа штаб квартирасининг инсон ресурслари бўлими ходимларидан уларнинг аттестатсия жараёнига бўлган муносабатларини билиш мақсадида штаб - квартираду анъанавий шаклдаги, яъни раҳбар билан ҳар йилги аттестатсия сұхбати, баҳолаш ва ривожланиш режаси бўйича маҳсус шаклларни тўлдириш, алтесталсия баҳосигу мос ҳолду базавий окладни ошириш каби саволлар бўйича аноним сўров ўтказди. Ходимларнинг фикрини тўплаш етарли даражада қийин кечди, чунки улардан кўпчилиги иш вақти фондининг кўп қисмини худудий филиалларда ўтка/ишасли ва кам ҳолларда марка/ий оғисга

келишади. Жами 154 та ходимларга тарқатилган анкеталардан атига 70 таси қайтиб келди.

Ўтказилган сўров куйидаги натижаларни берди:

- 65 % ходимлар улар ишини баҳолаш усули сифатида аттестатсиядан қонтқишимайди;

- 50 % ходимлар, раҳбар Сар уларнинг ишини объектив баҳолай олишмайди, чунки бунга зарур бўлган маълумотларга улар тўла эга эмас, деб ҳисоблашади;

- 45 % ходимлар, аттестатсия сұхбати, бу фақат расмиятчилик, олдиндан қарор қабул қилинган бўлади, деб ҳисоблашади;

12 % ходимлар уларнинг раҳбарлари, умуман, сухбат ўтказмаслиги ва фақатгина олдиндан тўлгъазилган варақقا (шаклга) қўл қўйишни сўрашди, деб таъкидлашади;

- 68 % ходимлар аттестатсия натижаларидан нима мақсадда фойдаланишини, масалан окладни ошишини сезмайди;

- 75 % раҳбарлар аттестатсия ўтказишга ва унга тайёргарлик кўришга вақтларининг этишмасликлари ҳақида шикоят қилишган;

- 25 % раҳбарлар аттестатсияланувчини танқид қилиш зарур бўлган пайтларда ва аттестатсия баҳоларини эълон қилишда доимо қийинчиликларга дуч келишларини тан олишган.

Муҳокама учун саволлар

1. Сўровни ўтказиши натижалари нимадан далолат беради?

2. Жамоадаги мураккаблашган вазиятларнинг сабаблари нимада?

3. Сиз корпоратсия штаб ~ квартирасининг инсон ресурсиарини бошқариш бўлимига персонални баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича қандай чораларни қўллашни тавсия қилган бўлардингиз?

22-топшириқ Бошқарув қарорлари

+арорни қабул қилиш жараёни олтила асосий босқичларни ўз ичига қумраб олади: қарорни қабул қилишга эҳтиёжни анг!аш: сабабларни аниқлаш. қарорлар варианtlарини ишлаб чиқиш; яхшироқ қарорни танлаш; қарорни амалга ошириш, шунингдек, натижаларни баҳолаш ва тесскари алоқа. "Брилания снсиқлопедияси" билан бўлган ва/иятда шундай холат ку/атилган. биринчи босқичда эҳтиёжни англаш унук: нуфу/ли компания

синиши арфасида бўлган. Муаммоларнинг сабабини аниқлаш жараёнида компамянинг янги эгалари китоб сотувчиларни мажбуrlab шавқатсиз менежмент маданиятини асосий омил, деб белгилашди. Натижада янги маҳсулотни ишлаб чиқишида кўпгина нвзолар келиб чиқиб асосланмаган тарзда электрон форматлардан фойдаланишга қарор қилинди. Биринчи қарорлардан бин компания раҳбари Джейкоба Сафри ўз лавозимидан бўшатилди. Компаниянинг янги менежерлари муқобил ёълларни топиш билан шугъулланиб нашрни жонлантириш мақсадида номини "Британника" билан аташадиган бўлишиди. Биринчи қадам энсиқлопедияни ўзгартирилган ва арzon ҳолда компакт-дискларда, аввало мактаблар учун мўлжалланган тарзда яратиш ва Британниса.com. веб-сайтини очиш билан бошланди. Сайтдан фойдаланувчиларга нафақат энсиқлопедиядаги мақолалар бериб борилар, балки танланган мавзу бўйича бошқа веб-сайтларга ёълланмалар кўрсатиларди. Кейин янги рақамли маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича бўлинма яратилди. Унинг менежерлари келажакнинг глобал сети симсиз. Интернетга ўз дикқат-еътиборларини қаратишиди. Асосий мақсад "Британника" савдо белгисини симсиз "тўрда" маълумотларнинг етакчи манбаига айлантириш. Вариантлар ўрганиб чиқилгандан сўнг, бошқа симсиз кириш хизматларини етказувчилар билан кучларни бирлаштиришга, шунингдек, "Британник" контентни бошқа W-сайтлар билан Ҳтсензиялаштиришга қарор қилинди. Амалиёт шуни кўрсатди, интернет-компания бундай таклифланин ҳамкорликда ижобий тарзда қабул этади. Мазкур қарорлар компаниянинг "рақамли релслар"га ўтишига ёрдам берди, лекин афсуски, ҳозирча раҳбарият хоҳлаган пулни тописбнинг иложи бўлмаяпти. Ҳозирги пайтда "Британника"нинг менежерлари фаолият юритишнинг янги вариантларини излашмоқда,

Саволлар

1. Сиз битта юридик фирманинг ишбилармон ва жуда банд бўлгун шеригисиз. Сизнинг тажрибали котибангиз доимий бош оғъригъидан, уйқусизлик ва томоқ қуришидан арз қиласди. Унинг фикрича, офиснинг ҳавоси жуда ёмон у сиздан нимадир қилишингизни истайди. Сиз бунга қандай муносабатда бўласиз?

2. Нима учун қарорни қабул қилиш мснжср иши самарадорлигининг асост ҳисобланади?

3. Таваккалчилик ва ноаниқликни ифодаловчи вазият нимаси билан фарқ этишини тушунтириб беринг? Сиз бундай ва/иятларда қарор

қабул қилиш жараёни хусусиятларини" қандай тасвирлаган бўлардингиз?

4. Ўзингиз охирги ярим йилликда қабул қилган хоҳлаган учта қарорингизни таҳлил этинг. Схулардан қайси бирлари мўлжалланган, қайси бирлари мўлжалланмаган?

5. Нима учун кўпгина қарорлар якка қабул қилинмасдан, гурухларда қабул қилинади?

6. Врума-Джаго Модели бўйича қарор қабул қилишнинг бешта услуби мавжуд. Сизнингча менежер қайси қарор қабул қилиш усулини танлаши лозим?

7. +арор қабул қилишнинг маъмурий ва сиёсий моделларининг асосий фарқлари нималардан иборат?

8. +арор қабул қилишда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг мумкин бўлган устуворикларини ва камчиликларини айтинг.

9. Ташкилотда қарор қабул қилишда интуитсияга асосланиб қарор қабул қилишни маъкуллайсизми? +арор қабул қилишда интуитив ва ратсионал ёндашувлами бирлаштириш мумкинми?

10. Сизнингча, рискка хоҳиш ва қарор қабул қилишга ўқитишдек ҳамда анъанавий қарор қабул қилиш жараёнининг олд босқичдан иборат бўлган замонавий ёндашувлари бирбирини инкор этмайдими (9.2 расмга қаранг). Мухокама қилинг.

11. Қабул қилинадиган қарорларнинг сифатини яхшилашда конструктив низоларнинг роли қанақа?

### топширик

Гементос Мехисанос (Гемех) юз йилдан бўён фаолият юритаётган фирма ҳисобланади. Унинг ривожланишига янги технологияларни қўллаш асос бўлиб хизмат қилган. Нобарқарор ва мураккаб шароитда рақобатбардошликини ошириш учун компания раҳбарияти менежментда ва технологияларда инноватсияларни амалга оширишди. Янги ёндашувнинг асосий элементи вазифасини бунда инфоматсион инфрату/илина ўтади. Гемехнинг барча юк ташувчилари глобал позитсия тизими ГПС билан таъминланган. Корпоратив информатсия тизимида ҳар куни буортмалар, ишлаб чиқариш графиклари, ёъллардаги тиқилинчлар, обҳаво шароити ва ҳоказолар тўғърисидаги информатсиялар янгиланиб турилади. Лескин бунданда муҳим омил компания мснсжсрлари ва ходимларининг ўз мажбуриятладга бўлган муносабалидир. Барча ҳайдовчилар ва диспетчерлар икки йил мобайнида ўрта маълумол олиш

мақсадида ҳар ҳафт а ўкув курсларига қатнашишди. Компанияда доимий асосда харидорларга хизмат кўрсатиш сифати масалалари ва компьютер саводхонлиги бўйича ўқишилар олиб борилди. Гемехда персонални ўқитиш ва ривожлантириш учун ҳаммаси бўлиб 870 дан кам бўлмаган иш вақти ажратилади. Қаттиқ эгилувчан бўлмаган қоидалар бекор қилинди, ходимларда муаммоларни аниқлаш ва ечиш бўйича кўпроқ эркинликлар ва мажбуриятлар пайдо бўлди.

Ва мана натижа: Гемехнинг ҳар бир юк ташувчиси ўзида ҳақиқатда бошқариладиган инсон, ҳакиқий бизнесмен каби фикрлайдиган мустақил бизнес-бирликни намоён этишади. "Етказиб бериш ойнаси" уч соатдан 20 минутгача қисқарди, лекин менежерлар ушбу кўрсаткични ҳам яна икки мартағача қисқартиришмоқчи. Гемехнинг Гвадалаҳаредаги директор тақсимловчи Франсиско Презанинг айтишича: "Олдинлари улар ўзларини оддий ҳайдовчи деб ҳисоблашарди. С^ментни ким бўлса шу ташиши мумкъвку... Эндиликда бизнинг ходимларимиз рақобатчиларимиз бажариша олмайдиган хизматларни кўрсатишшайтганликларини били&ҳади", Гемех компьютер технологияларини ва ходимларнинг ақлий қобилияtlарини очувчи янги менежмент ёндашувини бирлаштирган ҳолда сement саноатида инқилобни амалга оширди. Гемех ходимлари доимо иш жойларида, курсларда ва бошқа ташкилотларда ўқишиади. Табиийки, Гемехнинг рақобатчиларидан ҳеч бири бундай тез ва усталик билан эҳтиёжларни олдиндан англаш, муаммоларни ечиш ва инноватсияларни жорий қилишга муваффақ бўла олмайди.

Саволлар

1. Биз нимага менежмент тарихини ўрганамиз?
  2. Менежмент назарияси ва амалиётига ижтимоий кучлар қандай таъсиркўрсатади?
  3. Иш(о\*қиши)даги шахсий тажрибангизга асосланган ҳолда илмий менежмент ва бюрократиянинг бир нечта тамойилларини қўллашни ифодалаб беринг. Сиз нима деб ўйлайсиз, ушбу тавсифлар ташкилотларда доимо қатнашадими? Мухокама қилинг.
  4. Менежмент бўйича битта профессор самарали бошқаришнинг асоси бўлиб, энг аввало ҳозиргини, кийин ўтмишни ва факат ундан кейин келажакни билиш ҳисобланади, деб таъкидлаганди. Сиз ушбу фикрга  
кўшиласизми?
  5. Ташкилотда ўқитиладиган учта тавсифлардан қайси бири сизга кўпроқ ёқади:  
Сизга қайси бирига мослашиш ҳаммасидан қийинроқ  
кечауи?
  6. Ташкилотларда янги технологиялар ҳар қачонгидан ҳам фаолроқ жорий этилмоқда.  
Сизнинг фикрингизча нима устувор ҳисобланади: ташкилотнинг инсон элементларини бошқариш ёки технологияларни бошқариш? Мухокама қилинг.
  7. Хулқ-автор ёндашувининг моҳияти нимадан иборат? У менежментдаги илгарироқ пайдо бўлган ёндашувлардан қайси жиҳатлари  
 билан фарқ қиласди?
  9. Сиз нима деб ҳисоблайсиз, менежмент назарияси ҳамиша табиий фанлар(математика, физика, кимё. амалий психология) каби аниқ  
 бўладими?
  10. Кўпгина тижорат компаниялари синиб кетишмоқда, кўплари эса зўргъя фаолият олиб боришмоқда. Ҳозирги пайтда тижорат соҳасида карера қилишга интилса бўладими ва нима учун?
- 4.2, Менежмент амалиёти: ахлоқий диллема (иккиланиш)

### **топшириқ "Ўз хохиши билан" саҳоват қилиш**

Рени Вашингтон коллежини тугатганидан сўнг уни Стандол корпоратсиясига ишга таклиф этишганидан хурсанд эди. Компаниянинг атроф-муҳитни муҳофаза этиш тадбирларида жонкуяр ходим сифатида ўзини қўрсатишидан ташқари, турли фуқаровий ва маданий ижтимоий тадбирларда фаол қатнашиб катта обро\* қозонди. "Ёрдамга қўл узатисрТ номли бегъараз тадбирлар бошланганлиги эълон қилинганида мисс Р.Вашингтон волонтерликка ёзилди. Лекин, тез ўзининг қароридан афсусланди.

Волонтерларни мувофиқлаштирувчи фирманинг ҳар бир ходимидан пулни қайтариб олмаслик шарти билан бериш кутилаётганлиги тўгърисида эслатма олди. Ренининг иши айнан маблагъларни йигъищдан иборат эди. Эслатмада лаъкидланишича, мувофиқлаштирувчилар бир қанча суммада пул йигъишилари лозим, агарда улар вазифаларни бажариша олишмаса, етмаган суммани ўз ёnlаридан тўлашлари лозим. Ходимлардан бадал тўлашлари тўгърисида сўралганда Р.Вашинглон ҳаётий қийинчиликлар тўгърисида жуда кўп гапларни эшитди. Раҳбарият эса, ундан саҳийлик қилишни хоҳлашмаётган ҳамкасларига та/йиқ ўтказишни тавсия қилишди. Аста-секин унинг гъуури ва лойиҳа тўгърисидаги хурсанд-чиликлари сўна бошлади.

Рени ўйланиб қолди, Стандол ходимларида ушбу "раҳмдилУк"ни келтириб чиқарган нафрлатланиш ва асабийлашиш, хайр-саҳоват эгасининг фаол обрўси керакмикин. Раҳбарият лотномъдан босимнинг ёъқлиги сабабли улар катта микдордаги пулларни садақа қилиширгандир? Ренида тизимни ўзgartириш тўгърисида тасаввурлар пайдо бўлди, лекин Стандолдаги карерасидан шубҳаланиб ташабbus кўрсатмасликка қарор қилди.

Сиз нима қилган бўлардинги/?

1. ТиламчиУк қилиб компаниянинг ходимларини "ёмон одам" ҳолатига қўядиган маблагъни йигъишининг анъанавий усулини қўллаб-куватлайсизми?

2. Сиз ўз хоҳишингиз билан "режа" ва "амалда"ги фарқларни ўз ёнингиздан тўлашдан бош тортган ҳолда ўз хоҳиши билан тўлайдиган бадалларни йигъармидингиз. Агарда раҳбарият норози бўладиган бўлса, матбуотнинг «мажбурий» ҳомийлик тажрибасидан фойдаланган бўлармидингиз.

Маблағларни йигъиши тизимиши ўзгаруришни таклиф этган бўлармидингиз; ҳомийлик қилиш юқоридан белгиланган тарзда эмас, ўз хоҳишига биноан бўлиши лозим.

#### **топшириқ**

Ҳисоб-китоб натижаларини қалбакилаштириш керакмикин? Сара Макинтош яқиндан бошлаб йирик телекоммуникатсия компанияси ҳисобланадиган Мисро Пхонеда ишлай бошлади. Унга мижозларга хизмат кўрсатиш қоидаларини ўргатиш бўйича кенг кўламли лойиҳани амалга ошириш топширилди. Дастурни Сарининг янги раҳбари, кадрлар бўйми бошлигъи Кристина Коул таклиф этди. Компанияда шунака гаплар юрибди, яъни ушбу лойиҳа орқали Кристина ўзининг репутациясини оширишни ва узоқ кутилган лавозимда ўсишни кутаяпти. Бозор кураш борган сари мураккаблашмоқда, шу сабабли стратегия Мисро Пхоне юқори даражадаги сервис кўрсатишни талаб этмоқда. Бу компанияда, асосан мижозлар билан бевосита алоқалар Оърнатиладиган жойларда энг зўр кишилар ишлашини билдиради. Кристина томонидан тавсия қилинган дастур бўйича хизмат кўрсатиш тизимидағи 3 минг кишининг ҳар бири ҳафталик ўқиши курсларини ўтиши лозим. Лойиҳанинг қиймати тахминан - 40 млн.С.

Дастурни компаниянинг штатли бир гурух ходимлари Кристина раҳбарлигига ишлаб чиқиши. Лекин уларнинг амалга оширишларига вақтлари ёъқ, шу сабабли юқори малакали лойиҳа менежери керак бўлиб қолди. Сара ўзининг саккиз йиллик тажрибаси бўйича молия соҳасидаги билимлари ва ташкилий хулқ-алвори билан бошқаларга нисбатан ушбу ҳисоб-китобни амалга ошириш учун энг маъқул номзоддир. Лекин таклиф сиилаётган дастурни синчковлик билан ўрганиш налижасида Сара бошқа барча ҳисоб-китобларга асосланган бошлангъич ҳисоб-китобларда бир нечла ноаниқларни аниқлади. Ўзининг ҳавотирларини гурухнинг кординатори Деном Соталомга айтиб берди. У Кристинанинг молиявий башораиларни қандай олганлиги тўгърисида қанчалик кўп гапирса, Сара шунчалик мазкур дастурнинг бир нечта жиддий камчиликлардан ҳоли эмаслигига ишонч ҳосил қила бошлади. Унинг аниқлашича, 40 млн.долларлик маблагъ фақат бар бири кишини 20 соатдан ўқитишга кетаркан, холос, ҳамма кутганидек 40 соатлик ўқитишга эмас. Яна шунча харажатлар билан!

Сара дастурнинг "Мисро Пхоне"га келгунига қадар ишлаб чиқилган бўлса ҳам, хужжатлар яқунига ўзининг имзоси қўйилишини биларди. У Кристинага аниқланган етишмовчиликлар ва келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятлар тўгърисида гапириб берганда, асабий ҳолатда столга қаламини уриб, Саранинг гапини бўлиб, слолдан ярим эгилган ҳолда ва секин: "Сара яна бир марта қайта ҳисоблаб чиқинг ва у 40млн.доллар бюджет бўйича бар бир ходимнинг 40 соатдан ўқишини таъминлайдиган бўлсин" - диди. Сара бунга: "Бунинг иложи ёъқ, деб ўйлайман. Бунинг учун ёки дастур бўйича ўқийдиганларнинг сонини қисқартириш керак ёки бўлмаса, харажатларни кўпайтириш керак..." деб жавоб берди. Кристина мугъомбirona кулиш ва совуқ кўзлар билан унинг гапини бузиб иккинчи марта: "Менимча сиз, мени тушунмаяпсиз шекилли. Картага жуда кўп нарса қўйилган. Яна бир марта қайта ҳисобланг". Кутилмаган ҳолатдан Сара турган жойида қотиб қолди. Унга натижаларни сохталаштириш буюрилмоқда. Ҳавотирлик унинг кўнглида худди юмалоқиангандек ошиб борди. Уни нима қилиши керак?

Сиз нима қилган бўлармидингиз?

1. Яна бир марта "+айта ҳисоб-китоб қиласидингиз". Кристина ва унинг шериклари лойиҳага кўп вақтларини сарфлашган ва сен уларнинг қоидаларига ўйнашингни кутишмоқда. Сен гурухнинг ишини чиппакка чиқаришни истамайсан. Бундан ташқари, сен учун бу энг катта ўзингни кўрсатиш имкониятидир.

2. Ўзингизнинг қарашларингизга содик қолган ҳолда натижаларни сохталаштиришдан бош тортармидингиз. Кристинага меъёридан ортиқ ишлашга тайёр ҳолда бошқа мукобил

вариантларни ишлаб чиқиши айтган бўлармидингиз. Ушбу бюджет доирасида мижоз билан бевосита алоқада бўлган ходимларнинг кўпроқ таълим олишини, қолганларни эса камроқ оладиган қилиш мумкин.

3. Гурухнинг бошқа барча аъзоларига ҳаммаси тўгърисида айтармидингиз? Агарда улар Кристиаа томонида бўлишса, ижорчи директорга ва директорлар кенгашига бу ҳақда айтармидингиз.

### 3-топшириқ Бошлиқ керак

Карен Лоури Иллинойс штатидаги кичкина шаҳардаги ижтимоий таъминот агентлигининг менежери. У кўл остидагиларининг ўз касбини ўрганаётганликларини ва ишда ўз салоҳиятидан қанчалик даражада фойдаланаётганлигини кузатиб бораради. Агентликда катта клерк бўйича вакансия (камдан-кам, умуман айтганда тасодифан) очтлганида Карен тезда ушбу ўринга Сҳарлотта Хайнсни тавсия қилишга қарор қилди. Сҳарлотта агентликда 17 йилдан буён ишларди ва ўзини ҳақиқий лидер сифатида кўрсата олди. У янги лавозирхда худди олдингидек, кўл остидагиларининг шахсий муаммоларига катта эътибор қаратиб, олдин қандай ишлаган бўлса, шундай қаттиқ ишлаб бир нечта замонавий усууллардан фойдалана бошладики, бу ўз навбатида нафақат бўлимни, балки бутун агентликни жисплаштириди.

Лекин фуқароларнинг давлат хизмати бошқармасида янги лавозимга лалаборлар учун ланлов ўтказишга қарор қилинди. Ҳаққоний ўтказиш мақсадида танлов очик тарзда бўладиган бўлди. Унда ҳар қандай хоҳловчи, шу жумладан агентлик ходимлари қатнашиши мумкин эди. Бошқарма аъзоларининг фикрича лавозимни тест натижалари бўйича ким кўп балл тўпласа ўша эгаллаши лозим. Лекин барибир охирги сўз агентлик менежери К.Лоури томонидан айтилиши лозим.

Янги жойда ўзини ажойиб тарзда намоён этган Сҳарлотта танловда агентликнинг барча ходимлари қатнашадиганлигини билиб жуда хижолат чекди. Тест натижаларидан кейин у баттароқ хижолат бўлди. Сҳарлотта номзодлар рўйхати ичидан ўн иккинчи ўринда, биринчи ўринда эса унинг ўзи клерклиқ лавозимга тавсия қилган аёл турарди. Бошқарма аъзолари Каренга гъолиб аёлнинг лавозимини оширишини уқтиришияпти, лекин менежер тест натижаларига асосланиб шундай қарорни қабул қилишга шубҳаланаяпти.

### Сиз нима қилган бўлардингиз?

1. Тестнинг натижаларини инкор этган бўлармидингиз? Сҳарлотта ўзини ижобий тарзда намоён эта олди ва хизмат погъонаси бўйича ўсишга лойик.

2. Сиз энг кўп балл тўплаган номзодни лавозимга тайинлаган бўлармидингиз? Бошқармада ўзингга душманлар орттиришнинг кераги ёъқ, бундан ташқари тест номзодлами танлашнинг объектив усулидир.

3. Сиз ходимларни мотивлаштиришни ва агентлик фаолияти тамойилларини билишини ва раҳбарлик ишлари тажрибасини аниқлаш каби мезонларни кўпроқ ўзида мужассамлаштирган теслларни таклиф этган бўлармидингиз?

### топшириқ "Бутун умрга дўстми?"

Приссила Денис ҳамиша ўз ишини севарди. У кичкина болалар учун ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган уччалик катта бўлмаган «Смаллворлд» компаниясининг президенти бўлиб ишлайди. Приссила она сифатида ҳам хавфсиз ва юқори сифатли бўлган ўйинчоқларни яратиш лозимлигини тушунади ва қўллаб-кувватлайди. Ўтган йилнинг охирида «Смаллворлд» компаниясининг дизайннерлари янги ўйинчоқ -кичкинагина, гапирадиган айиқчани ишлаб чиқишиди. Янги яратилган айиқчани Бинни деб аташди. Айиқча юмшоқ жигарранг бўлган сунъий мўйнадан қилинган бўлиб, ўрнатилган механизм бўйича у 50 тагача кўшикка ўйнарди. Янги ишланмани синаб кўриш учун компания 50 та айиқчани ишлаб чиқиб уларни болалар bogъchalari ва яслиларга тарқатишиди. Натижалар кутилганидан ҳам юқори бўлди: кўпгина bogъchalар ўйинчоқнинг болалар қалбидан тезда жой олганлиги тўгърисида хабарлар беришиди.

«Смаллворлд» раҳбарияти 1 минг дона айиқчаларни ишлаб чиқаришни ва "Бутун умрга дўст" маркетинг слогани ўйлаб топишиди. Айиқча бозорда худди болалар кўп йиллар

давомида ундан ажралиша олмайдигандай, балки хотирасида бутун умр сақланиб қоладигандай тарзда тез сотила бошланди. Биринчи партия бир ҳафта ичида сотиб бўлинди, шу сабабли навбатдаги партияни 25 минг дона қилиб чиқаришга келишилди. Сху ерда битта муаммо аниқланди, Дизайнерлар ва менежерлар янгиликнинг муваффақият қохониши мумкинлигидан шодланиб, асосий эътиборларини унинг ташқи кўриниши ва сифатига қаратишиб, ишлаб чиқариш масалаларига етарли даражада эътибор қаратишмаган экан. Сху нарса маълурн бўлдики, Биннини ишлаб чиқариш компанияси учун ўйлагандан кўра, анча қимматга тушар экан. Табиий мўйнадан ишлаб чиқарилган битта айиқчанинг таннархи 4,98\$ га, агарда суъний синтетик мўйнадан фойдаланилса 2.75 Сгача пасаяди, лекин... табиий мўйна камида саккиз йил мобайнида эскирмайди, синтетик арzon мўйна еса атиги саккиз ойгача чидайди.

Шу ерда шошилинч хабар бўлди. «Смаллворлд» менежерлари иккита вариантни кўришмоқда: ёки таннархнинг ошишига рози бўлиш керак, ёки арzon ва ишончсиз синтетик мўйнадан фойдаланиш лозим. Баъзи бирлар болаларнинг айнан битта ўйинчоқни бир неча ой эмас, бир ҳафтадан ҳам кўп ўйнамасликлари сабабли, кўрқмасдан бемалол суъний меҳдан фойдаланиш мумкинлиги тўғърисида фикрлар билдиришди. +олган, шу жумладан ишлаб чиқариш менежерлари бу сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниянинг обрўсига жиддий путур етказишини таъкидлашди. "Саккиз ойдан кейин бизни норозиликлар оқими қамраб олади, биз арzon версияни ишлаб чиқаришга рози бўлган кунни лаънатлаймиз", - деб таъкидлади битта менежер. Уни ишлаб чиқариш бўйича витсе-президент қўллаб-қувватлаб, қуйидагича савол берди: "Биз нима қиласиз уни "Саккиз ойга дўст" слоганига ўзгартирамизми?». Маркетинг ва сотиш бўйича менежерлар жон-жаҳди билан қарама-қарши нуқтаи назараи асослашди. Уларнинг асосий далили «Смаллворлд» компанияси ишланма учун шундок ҳам катта маблагъ киритган. "Агарда биз ишлаб чиқаришни тўхтатсак, ёки айиқчани табиий меҳдан қиласиган бўлсак, барчамиз ҳеч вақосиз қоламиз. Уларнинг ташқи кўриниши бир хилдир. Мен суъний мўйнадан фойдаланилса ҳеч ким ҳеч қачон бунинг фарқини англамаслигига ишонаман, - деди сотув бўйича менежер.

Охирги қарорни Приссила қабул қилиши керак. У тушунадики, «Смаллворлд» компанияси ишлаб чиқариш харажатларини оширишга бормайди, лекин компания обрўсига путур етказишига бориши мумкинми? Бундан ташқари агарда у сотув бўйича менежернинг таклифига рози бўлса ўз қизининг кўзига қандай қарайди?

Сиз нима қилган бўлардингиз?

1. Суъний мўйнада қолардингиз, лекин маркетинг компаниясини ўзгартирадингиз ва харидорларга ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгарганлиги тўғърисида хабар берардингиз.

2. Суъний меҳда қолардингиз ва нима бўлишини кўрадингиз. Компания ҳеч қанақа қаршилик қилмайди, кўпчилик харидорлар ҳақиқатдан ҳам суъний мўйнанинг жуда тез эскиришини қаердан билишади.

3. Таннархнинг ўзгаришига рози бўлардингиз. Бу биринчидан тў?ри, иккинчидан эса компаниянинг обрўси учун таваккалчилик ?илиб бўлмайди.

## Кейс-стади

**“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” МХК – СТРАТЕГИК ЯНГИЛАНИШ  
ЭҲТИЁЖИ**



## **Кириш**

Ўзбекистоннинг замонавий нефт ва газ саноати - иқтисодиётнинг энг йирик тармоқларидан бири, мамлакатнинг энг муҳим энергия манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон углеводород ресурслари заҳирасига, айниқса табиий газга бой бўлиб, уни қазиб олиш бўйича жаҳондаги энг йирик ўнталик мамлакатлар қаторига киради. Ўзбекистон газ мустақиллигига 1985 йилда эришган. Нефт захираларига келадиган бўлсак, мамлакат худудидаги истиқболли нефт бойликлари тахминан 60% ни ташкил қиласди. Республика худудида 194 дан ортиқ нефт ва газ конлари топилган бўлиб, улардан газ ва газкондесат конлари - 98 та, нефт-газ, нефт-газ конденсат ва нефт конлари – 96 тани ташкил қиласди.

Нефт ва газ саноати “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси томонидан бошқарилади. «Ўзбекнефтгаз» компанияси бугунги кунда кўп тармоқли саноат-хўжалик мажмуя бўлиб, нефт ва газни қидириш, қазиб олиш ва сотиш ишларини амалга оширади, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш обьектлари қурилишини таъминлайди. Компания 14 та бош ассоциация ва ташкилотлар ҳамда 250 та кичик корхоналардан иборат бўлиб, улар бутун республика худуди бўйлаб жойлашган. Гарчи нефт ва газ саноати ўтган ўн йилликда сезиларли даражада тарақкий этган бўлсада, “Ўзбекнефтгаз” МХК экспорт салоҳиятининг тўла тўқис ривожланиши денгизга чиқиш имкониятига бўлмаган Ўрта Осиёда муайян экспорт йўналишларининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Ҳозиргача ёқилғи-энергетика маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаришнинг самарали усули топилмаган. Шу пайтгача, компаниянинг экспорт салоҳиятини тўла амалга оширишда муайян транспортировка йўналиши мавжуд эмас. Бундан ташқари, республика ҳукумати қулай инвестиция муҳитини яратиб бериш борасида, нефт ва газ соҳасида чет эллик инвесторларга турли хил имтиёзларни ва кафолатларни таклиф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсан бўлсада, тўғридан-тўғри инвестициялар асосида фаолият юритиш истагини билдирган хорижий инвесторларнинг оқими ҳали ҳам паст даражада. Қолаверса, нефт ва газ саноатининг янада ривожланиши мавжуд қувур транспорти билан боғлиқ бўлиб, бу ҳам чет эллик инвесторларнинг қизиқишининг сусайишига сабаб бўлмоқда. Юқоридаги сабаблардан келиб чиқиб, мазкур кейс стади “Ўзбекнефтгаз” компаниясининг ҳозирги стратегиясини таҳлил қилиш ҳамда жорий инвестиция муҳитининг афзал ва камчиликларини аниқлаш учун танлаб олинди. Мазкур иш шунингдек, компаниянинг нефт ва газ ресурслари транспортировкасининг турли йўлларини ҳам қамраб олади.

Бунинг учун, биз энг аввало нефт ва газ соҳасининг Ўзбекистон иқтисодидаги ўрни ҳақида умумий тасаввурга эга бўлишимиз талаб этилади. Ундан ташқари, иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида республика ҳукумати томонидан “Ўзбекнефтгаз” компаниясини хусусийлаштириш бўйича қабул қилинган чоралари таҳлил қилинади. Қолаверса мазкур таҳлил якунларига кўра корхонанинг инвестиция жозибадорлигини ошириш чоралари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

## **ТАРМОҚ РИВОЖЛАНИШИННИГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ**

Ўзбекистонда нефтни саноат тарзида қазиб чиқариш 1885 йилда бошланган. Фарғона водийсидаги иккита қудуқдан қазиб олинган нефт кичик бир заводда тозаланиб, ҳосил қилинган керосин арава ва туюларда Андижон, Тошкент ва Кўқон шаҳарларидаги пахта қайта ишлаш ва ёғ-мой комбинатларига, шунингдек аҳолининг майший эҳтиёжлари учун етказиб берилган. Мазут темир йўлларда ёнилғи сифатида ишлатилар эди.

Кўп йиллар давомида қазиб олинаётган нефт ҳажми республиканинг нефт мустақиллигини таъминлаш учун етарли эмас эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонга ҳар йили ўртacha 6,0 млн. тонна нефт олиб кирилар эди. Ўша даврдаги газ экспорти эса турли баҳоларга кўра 7-8 млрд.. куб-метрни ташкил қиласди.

Ўзбекистон газ саноати ярим асрлик тарихга эга. Биринчи газ кони 1953 йилда Қизилқум чўлларида Сеталантепада топилган. 1962 йилда Бухоро-Осиё трансмінтақа газ қувурининг ишга туширилиши билан собиқ Иттифоқнинг Уралбўйи ва Европа қисмини табиий газ билан таъминлашга асос солинди.

Суюқ углеводородлар ва табиий газ қазиб олиш ҳажмининг ўсиши нефтни қайта ишлаш заводлари ва кичик газ-кимё мажмуалари қурилиши ва ривожланиши учун замин яратди.

Республика ҳудудида Олтиариқ (1906) ва Фарғона (1958) нефтни қайта ишлаш заводлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи (1972), олтингугурт ажратиб олувчи ускуналарга эга Шўртан газ комплекси (1980), шунингдек Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (1997) қуриб ишга туширилди. Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводининг қайта таъмирланиши 2000 йилда якунланди ва олтингугуртни нам усулда ажратиб олиш ускуналари фойдаланишга топширилди. Янги Шўртан газ-кимё комплекси (2001) қурилиши ва ишга туширилиши, мутахассислар фикрига кўра, Ўрта Осиёдаги полиэтилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг йирик корхона бўлди.

## БОЗОРНИНГ ҚИСҚАЧА ҲОЛАТИ

Жами баҳоланган нефт ресурслари - 5 300 млн. тоннадан ортиқ, 480 млн. тонна конденсат; ва 5095 млрд. м<sup>3</sup> газ заҳираларини ташкил қиласи. Ҳозирги пайтда нефт ва газ заираларининг ҳажми 1 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Мавжуд ва аниқланган истиқболли заҳиралар мамлакатдаги барча нефт ва газ конлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини олиб боришга имкон беради. Шунингдек, геологик изланишлар ҳали аниқланиши лозим бўлган катта миқдордаги қўшимча углеводород заҳиралари мавжудлигини кўрсатади. Республикада суюқ углеводородларни қазиб олиш суръати мана беш йилдан бери пасайиб бормоқда. 2004 йилда бу ҳолат максимал даражада намоён бўлди: бунинг натижасида нефт ва конденсат ишлаб чиқариш 8 %га қисқариб, охирги 10 йил ичидаги йиллик 7 млн. тоннадан паст даражани ташкил этди.

2005 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда 194 та нефт ва газ конлари очилганлиги маълум. Ҳозирги пайтда улардан 88 тасида ишлаб чиқариш, 35 тасида тадқиқотлар олиб борилмоқда, 9 таси эса сақлаб қўйилган. Ўзбекистон ўзининг маълум бўлган углеводород заҳираларининг 21% ини, жумладан, Бухоро-Хива минтақасида 72,9%, Ҳисор минтақасида 34,9%, Сурхондарё минтақасида 20,6%, Фарғона водийси минтақасида 26,6% ва Устюрт минтақасида 11,7% заҳираларни ишлатиб бўлди.

## ҲУКУМАТ СИЁСАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Республика Ҳукуматининг қарори билан 1992 йилда аввал тарқоқ бўлган нефт, газ, нефтни қайта ишлаш ва бошқа соҳалар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ҳар бир фаолият соҳасини қудуқ очишдан тортиб, тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган узлуксиз занжирга боғлаб мужассамловчи ягона ишлаб чиқариш мажмусига бирлаштириш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” концерни тузилган бўлиб, кейинчалик у нефт ва газ саноатининг миллий корпорациясига айлантирилган. Нефт ва газ саноати тузилмаси 1992-1998 йилларда давлат акциядорлик капитали, давлат, давлат-ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш-тадқиқотчилик корхоналарини ўз ичига олиб, улар тармоқ корхоналари фаолиятини мувофиқлаштирган ва назорат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги № ПФ-2154 сонли Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ “Ўзбекнефтгаз” миллий корпорацияси “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Бу айлантиришнинг асосий мақсади - республиканинг нефт ва газ саноатида бозор муносабатларини чукурлаштириш учун амалга оширилган хатти-харакатларга асосланиб, тўғридан-тўғри чет эл сармояларини жалб қилиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Маъмурий-буйруқбозлик усулларидан ишлашнинг бозор механизмларига ўтишни таъминловчи таркибий ўзгаришларнинг босқичлари, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган учта стратегик вазифани ҳал этиш билан мувофиқ келади:

1. Республиканинг нефт мустақиллигига эришиш мақсадида нефт ва газ конденсати қазиб чиқариш ҳажмини кескин ошириш.

2. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини жаҳон стандартлари даражасигача етказиш мақсадида нефт ва газ саноатида технология жараёнларини чуқурлаштириш.

3. Ўзбекистоннинг нефт ва газ секторини ишончли хомашё манбаи билан таъминлаш мақсадида янги конлар очиш, углеводородлар захирасини яратиш.

Биринчи вазифани бажаришга қатор йирик ва бетакрор конлар: Кўкдумалоқ, Алан, Урга, жанубий Тандирча каби ноёб конлари ва конларнинг жадаллаштирилган жиҳозланиши ва ишга туширилишига ёрдам берган, бу эса Ўзбекистон нефт мустақиллигига эришишни таъминлади.

Иккинчи вазифани бажариш учун 1997 йилда янги замонавий Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Шунингдек, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг янги гидросульфурлаш қурилмалари мажмуаси қурилган ҳолда қайта қурилиши тугалланди.

Учинчи вазифани ҳал этиш учун “Ўзбекнефтгаз” компанияси томонидан 2005 йилгача нефт-газ конларини излаш ва разведка қилиш ишларини жадаллаштиришнинг истиқболли дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у республика худудида янги углеводород хом ашёси конларини очишга қаратилган.

Нефтни қайта ишлаш заводи жараёнларини интеграциялашга ихтисослашув янги технология қайта ишланган хомашё ҳажми қисқарган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини илгариги даражада сақлаб қолишга имкон берди.

Республика нефт ва газ секторида ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш мақсадида истиқболда барқарор ривожланиш шароитлари, геология разведка соҳасида мувофиқлаштириш даражасининг оширилиши, нефт ва газни қазиб олиш, транспортировка қилиш, қайта ишлаш ва сотиш, чет эл инвесторлари учун соҳанинг жозибадорлиги ва шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисини нефт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йилнинг 21 октябрида 460-сонли “Ўзбекнефтгаз” МХК бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

### **“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” МХКНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

“Ўзбекнефтгаз” МХК ташкилий тузилмаси уч поғонадан иборат холдинг компания бирлашмаси тарзида тузилган бўлиб, тасарруфидаги корхоналар нефт ва газ сектори билан боғлиқ барча ишларни амалга оширадилар (1-чизма).

“Ўзбекнефтгаз” МХК умумий бошқаруви Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик компаниялари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида»ги қонун талаблари асосида, корпоратив бошқарув эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги № УП-3202 сонли Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий сектор улушкини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида» Фармонига асосан ташкил қилинган.

“Ўзбекнефтгаз” МХК бош органи акциядорлар умумий мажлиси ҳисобланади. Акциядорлар умумий мажлисида сайланган кузатувчи Кенгаш компаниянинг мувофиқлаштириш ва назорат ишлари билан шуғулланади. Компаниянинг жорий молиявий ва иқтисодий фаолияти бошқарувини бирлашган ижроия органи – Марказий бошқаруви бажаради.

“Ўзбекнефтгаз” МХК таркибига 4 та акциядорлик жамияти ҳамда газ-кимё комплекси киради, ва улар бевосита ишлаб чиқаришга жалб қилинган. Улардан ҳар бири холдинг компаниясининг шуъба бўлинмаси сифатида фаолият кўрсатади ва пай асосида бошқарилади.

“Узгеобурнефтгазқазибалиш” акциядорлик компанияси нефт ва газ ҳудудларини бурғулаш, нефт ва газ конларини излаб топиш, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, нефтга табиий ишлов бериш билан шуғулланади.

"Узтрансгаз" акциядорлик компанияси Ўзбекистон табиий газини маҳаллий истеъмолчиларга етказиб бериш ва қўшни мамлакатларга экспорт қилиш учун транспортировка қилувчи объектлар фаолиятини бошқаради.

"Узнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси Фарғона, Олтиарик ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари мулкини назорат қиласи, нефт маҳсулотларини сотиб, республиканинг ички эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиласи, ҳамда ўзининг нефт ҳавзалари, транзит терминаллари ва бензин станцияларига эга бўлиб, маҳаллий бозорда нефт маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятини назорат қиласи.

"Узнефтгазмаш" акциядорлик компанияси (Чирчик) — нефт, газ ва кимё комплекси корхоналари учун ҳамда қўшма тармоқлар учун машиналар ишлаб чиқаради.


Шўртон газ-кимё комплекси - полиэтилен, суюлтирилган газ, енгил конденсат ва олтингугурт ишлаб чиқаради. Бошқа акциядорлик компаниялар, корхона ва ташкилотлар нефт ва газ саноатидаги асосий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади.

Қуйидаги очик турдаги ҳиссадорлик компанияларни улар қаторига киритиши мумкин: "Нефтегазстройкомплект", "Ташнефтегазстрой", "Муборакнефтегазмонтаж", "Бухорагазпромстрой", Фонтанга қарши ва газ ҳавфсизлиги таъминловчи Ўзбек харбийлашган қисм (ЎзХБ) "Қашқадарёнефтегазпромстрой", "Юггазстрой", "Узташқинефтегаз", "УзЛИТИнефтегаз", «Узнефтегазсвязь», 2 та профессионал коллеж (Бухоро ва Фарғона шаҳарлари), «Ўзбекистон нефт ва газ журнали» редакция офиси.

«Ўзбекнефтгаз» компанияси XXI асрга Ўрта Осиё минтақасида ёқилғи ва энергия ресурсларини энг йирик ишлаб чиқарувчилардан бири сифатида қадам қўйди. У йилига 58-59 млрд. м<sup>3</sup> табиий газ қазиб олади ва 7,3-7,5 млн. тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқаради.

Мазкур ривожланиш босқичида халқ хўжалиги олдига нефт ва газ соҳасида қуйидаги вазифалар мақсад қилиб қўйилган:

- нефт ва газ қидибуви ва разведка ишларини истиқболли минтақаларда амалга ошириш ва шу орқали углеводород ресурслар манбани оширишга эришиш;
- нефт ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жорий этиш;
- топилган нефт ва газ конларини тартибга солиб бориш;
- газ қайта ишлаш заводи асосида газни суюлтириш саноатини муқобил ёқилғи тури сифатида ривожлантириш ҳамда МДҲ ва чет эл мамлакатларига экспорт қилиш;
- нефт ва газ конларини излаб топиш ва ишга туширишда чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилиш, криогенли жараёнлари асосида табиий газга чукур ишлов бериш пропан ва бутан кабиларни қазиб олиш;
- газ қувурлари ишончлилигини таъминловчи дастурни амалга ошириш;
- нефт ва газ саноати эҳтиёжлари учун керакли машинасозлик маҳсулотларини ривожлантириш;
- 2010 йилгача бўлган даврда тасдиқланган нефт ва газ саноатини ривожлантириш бўйича дастурларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш секторида автоматлашган бошқарув тизимини ривожлантириш.



1-Чизма. “Uzbekneftegaz” миллий холдинг компанияси ташкилий тузилмаси

Манба: “Ўзбекнефтгаз” МХК нинг 2009 йил ҳисоботи

## **НЕФТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ТРАНСПОРТИРОВКА ҚИЛИШ**

1991 йилда Ўзбекистон йилига 12 млн. тонна нефть маҳсулотларини истеъмол қилган ва бу холат йил сайнин ўсиб бормоқда. Аммо 1998 йилда бу кўрсаткич иқтисодий ўсишнинг пасайиши, талабнинг сусайиши натижасида 6,9 млн. тоннага қисқарди. Бирор 2010 йилга келиб нефт маҳсулотлари истеъмоли лойиҳалаштирилаётган саноат ўсиши эвазига ўсиши кутилмокда.

Ўзбекистонда нефт маҳсулотлари Фарғона, Олтиариқ ва Бухородаги учта нефтни қайта ишлиш заводларида қайта ишланади. Нефть ва газ қазиб олиш ва қайта ишлиш воситаларининг барчаси Узнефтепереработка тасурруфида мужассамлашган. Узнефтепереработка 1999 йилда Узбекнефтегаз компаниясининг бошланғич бирлиги сифатида ташкил топган. Бунгача у Ўзбекистон нефть ва газ комплексининг бир қисми сифатида фаолият олиб бораради.

Фарғона нефтни қайта ишлиш заводи Ўрта Осиёдаги энг биринчи ихтисослашган заводлардан бири бўлиб, Тошкент шаҳридан 320 км узоқликда жойлашган. Завод углерод-водородли маҳсулотларни қайта ишлишга ихтисослашган бўлиб, ёқилғи-мойлаш материаллари чиқаришга йўналтирилган. Бухоро нефтни қайта ишлиш заводи эса (Тошкентдан 580 км) газ концентрати ҳисобига ишлаб чиқаришни оширади. Фарғона заводи дастлаб юқори сифатли ва халқаро стандартдаги бензин, дизель ёқилғиси ва авиация керосини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Йилига 5,5 млн. тонна маҳсулот ишлаб чиқаради.

1906 йилда қурилган Олтиариқ нефтни қайта ишлиш заводи Фарғона нефтни қайта ишлиш заводига қўшиб юборилган бўлиб, унинг бир қисми ҳисобланади. Иккала завод Фарғона вилоятида жойлашган. Фарғона нефтни қайта ишлиш заводи дастлаб маҳаллий миқёсда, сўнгра Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларини нефть маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қурилган. Бу дастлаб 1958 йилда хом ва вакуум бирликлардан бошланган. Шу пайтдан бошлаб корхона ўшишни бошлаган, ҳозирги кунда йилиги 8,7 млн. тонна хом ва конденсатли маҳсулотни қайта ишлиш қувватига эга.

Бухоро нефтни қайта ишлиш заводи Кўқдумалоқ яқинидаги жойлашган. Заводнинг қуввати 5 млн. тонна маҳсулотни қайта ишлишга мўлжалланган. Завод йилига 210 минг тонна 76-октанли бензин, 450 минг тонна 93-октанли бензин, 1,3 млн. тонна дизель ёқилғиси, 300 минг тонна авиация керосини ва 12 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон ўн йил аввал нефть импортини тўхтатиб, нефть мустақиллигига эришганлигини эълон қилганлигига қарамай, охирги йиллар мобайнидаги нефт қазиб чиқариш ҳажмларининг қисқариши, республикани нефтни қайта сотиб олишга мажбур қилди.

2005 йилдан бошлаб, «Узбекнефтегаз» компанияси Қозоғистондан қайта тикланган Чимкент-Пахта нефт қувури орқали нефтни импорт қила бошлади. Бу нефт қувури 1996 йилдан бери ишлатилмаётган бўлиб, ҳозирги кундаги темир йўл таъминотига нисбатан ҳаражатларни анча тежашга имкон беради. Шунингдек, “Ўзбекнефтегаз” МХК бензин тақсимоти тизимиға инвестициялар киритиш ва модернизациялашга эҳтиёж сезмоқда. Ҳозирги пайтда бензин 88 та тақсимот маркази ва 800 та қайта тақсимловчи станциялар орқали тарқатилади. Қайта тақсимлаш тизимларининг катта қисми хусусийлаштирилган. Нефт маҳсулотларининг тақсимот тизимини яхшилаш компаниянинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

## **ТАБИИЙ ГАЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ, ТРАНСПОРТИРОВКА ҚИЛИШ**

Ўзбекистон жаҳондаги табиий газ ишлаб чиқарувчи энг йирик мамлакатлар қаторидан ўрин олган. 1990-1995 йиллар оралиғида Ўзбекистон газ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 30%га оширди ва келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун бир нечта лойиҳани

режалаштириб қўйди. Мустақилликка эришишдан аввал Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикаларининг асосий газ таъминотчиси эди. Газ экспорти йилига тахминан 5 млрд. м<sup>3</sup> ни ташкил қилган бўлиб, эндиликда қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатлари билан чегараланмоқда.

Республика худудидаги табиий газ конлари Шўртан ва Муборакда жойлашган. Бу ердаги газни қайта ишлиш заводлари йилига тахминан 40 млрд. м<sup>3</sup> газни қайта ишлаб, олтингугурт ва бошқа аралашмалардан тозалайди. Йилига қарийб 330000 метрик тонна олтингугурт қайта ишланади. Газ таркибидаги водород сульфиди ва бошқа сульфидлар Муборак газ заводида қайта ишланади. Шўртан газ заводи жаҳондаги кам сонли, ўзига хос заводлардан бири ҳисобланади. Олтингугурт экспортини ошириш мақсадида республика Ҳукумати ушбу соҳага чет эллик инвесторларни жалб этиш ва олтингугурт ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 100000 метрик тонна гранулалашни режалаштирумокда.

Ўзбекистондаги газ конлари этан, пропан, бутан ва бошқа таркибий қисмларга бой бўлиб, улардан юқори сифатли полимерлар (полиэтилен, поливинилхlorид) олиниши мумкин. Бу компонентлар Муборак ва Шўртан газ заводларида тежамкорлик билан олиниши мумкин. Бу ердаги газ концентрацияси таркибида этан 8,1 фоизга 1,4 ва пропан-бутан 5,6 фоизга 2,1 кўрсаткичга эга.

Мамлакатдаги газ қувурлари тармоғи нефт қувурларига нисбатан мураккаброқ. Тўққизта газ қувурлари узунлиги 12660 км масофага чўзилган бўлиб, МДХ газ тизимига уланган. Асосий газ қувурлари диаметри 1000, 800 ва 700 мм бўлиб, 7,5 МРа босимга эга. Газ қувурлари комплекси 25 та компрессор станцияси, 43 та цехдан иборат бўлиб, қарийб 300 бирлик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Газ қувурлари Ўрта Осий, Россия, Украина ва Европанинг бошқа мамлакатларига 20 млрд. куб-метр газ ўтказиш қувватига эга.

Марказий Осиё маркази ва Бухоро-Урал газ транспортировкаси кучли тизимлари асосан транзит учун мўлжалланган бўлиб, табиий газ экспорти мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмида кесишида ва фаолият кўрсатади. Ўзбекистон газ транспортировкаси тизимининг ўзига хослиги унинг ҳукуматлараро аҳамиятга эга эканлигидир. Ушбу тизимдан фойдаланиш натижасида Ўзбекистон табиий гази қўшни мамлакатлар - Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга, шунингдек, шимолий йўналишда экспорт қилинади.

Республика истеъмолчилигини газ билан айниқса, қиши мавсумда таъминлаш мақсадида Газли-Нукус (1997) ва Шўртан-Шеробод (2003) газ қувурларининг аҳамияти катта.

Мавсумий газ таъминотини тартибга солиш мақсадида Хўжаобод, шимолий Сўх ва Газли ер ости газ омборларидан фойдаланилади. Газ транспортировка тизими модернизацияси 2004 йилда бошланган бўлиб, қуидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- табиий газ транспортировка тизимини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш, 198 км масофали асосий газ қувурини қуриш;
- 445 км ва 878 км масофада мавжуд асосий газ қувурларини узайтириш ва қайта таъмирлаш, Саримой янги газ станцияси компрессорини қуриш;
- мавжуд 20 та компрессорли газ станциясини, шунингдек, ер ости газ омборидаги 4 та компрессорли газ станциясини қайта таъмирлаш ва кенгайтириш;
- 123,3 км масофадаги четга чиқувчи газ қувурларини қуриш ва қайта таъмирлаш натижасида 2014 йилга бориб газ экспортини 16 млрд. м<sup>3</sup> етказиш.

## ХОМАШЁ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Ўзбекистон Республикасида 194 та углеводород хомашёси кони топилган бўлиб, шундан 94 таси газ ва газ конденсати кони, 96 таси нефт ва нефт конденсати кони ҳисобланади.

Очилган конларнинг 47% эксплуатация қилинмоқда, 35% эксплуатацияга тайёрлаб қўйилган, бошқа конларда эса разведка ишлари олиб борилмоқда.

49 та газ конлари саноат эксплуатацияси учун тайёрлаб қўйилган.

Нефт ва газ ресурсларининг жорий башоратига кўра 1 триллион доллар ҳажмида баҳоланиб, нефт ва газ конденсати конларининг яроқлилиги Ўзбекистон нефт ва газ конларида разведка ишларини муваффақиятли олиб бориш ва қазиб чиқаришга имкон беради.

“Ўзбекнефтгаз” МХКда 2004-2020 йилларда углеводород ресурсларини 45 дан 112 млн. тонна стандарт ёқилғигача етказишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу тариқа табиий газ захиралари йилига 60 дан 65 млрд. куб-метргача етказиш углеводород қазиб чиқаришни яна тўлдириш, экспорт учун мўлжалланган табиий газ ҳажмини ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжларини қондиришга имкон беради.

## СОҲАНИНГ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

Нефт ва газ соҳасида бозор ислоҳотларини чукурлаштириш, республика иқтисодиётидаги асосий саноат вакили - “Ўзбекнефтгаз” компаниясини хусусийлаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мустақил Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган қадам қўйилди.

Ҳукумат қарорларига асосан ишлаб чиқилган «Хатти-ҳаракатлар режаси» “Ўзбекнефтгаз” компаниясининг чет эллик инвесторларга сотиш учун мўлжалланган обьектларини хусусийлаштириш дастурини бажаришни кўзда тутади.

“Ўзбекнефтгаз” компаниясин республика ҳукуматининг молиявий маслаҳатчиси - “БНП-Париба” банки (Франция) билан ишлашни давом эттирмоқда. Хусусийлаштириш олдига қўйилган бирламчи талаблар аниқ белгиланган бўлиб, улар қуидаги тарзда амалга оширилади:

- молиявий фаолиятни аудиторлик текшируви;
- нефт ва газ саноатини реструктуризациялаш;
- энергия ташувчилар соҳасида самарали қонунчилик яратиш;
- нефт ва газ хомашёси нархларига ўзгартириш киритиш ва эркинлаштириш;
- углеводород захираларига мустақил экспертлар томонидан халқаро баҳо бериш.

Бунга мисол тариқасида «Эрнст ва Янг» компанияси 2001-2004 йиллар учун “Ўзбекнефтгаз” МХК акциядорлик компаниялари ва корхоналари молиявий фаолиятини тафтиш қилганинги кўрсатиш мумкин.

“Ўзбекнефтгаз” компанияси Ўзбекистон Республикасида энергия манбалари транспортировкаси соҳасида самарали қонунчилик яратиш мақсадида халқаро юридик компаниялар орасида таҳлил қилиш ва таклифлар бериш учун танлов эълон қилди. Таклиф натижаларига кўра “Ashurst” (Буюк Британия) компанияси бу ҳуқуқни ютиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати энергия манбалари транспортировкаси учун улар нархини жаҳон миқёсига етказиш мақсадида нарх ўзгариши бўйича қарорлар ишлаб чиқди. “Ўзбекнефтгаз” МХК корхоналари ишлаб чиқаришнинг бир қисмини таклиф этилган акциялар ҳисобига сотиш ҳуқуқига эга.


Бу ўринда, шуни айтиб ўтиш лозимки, 2005 йилда “Ўзбекнефтгаз” МХК бошқаруви Холдинг компанияси доирасида корхоналарни хусусийлаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратди ( жадвал 1).

**Хорижий инвесторларга таклиф қилинаётган компанияларнинг акция пакетлари**

Юридик шахс номи	Сотиш учун таклиф қилингандай пакет
“Ўзбекнефтгаз” МХК	49 %
“Узгеобурнефтегаздобрўча” АЖ	44,6 %
“Узтрансгаз” АЖ	46,5 %
“Узнефтепродукт” АЖ	47,4 %
“Узнефтегазмаш” АЖ	39 %
“Автогаз” АЖ	70 %

**ЧЕТ ЭЛЛИК КОМПАНИЯЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК**

“Ўзбекнефтгаз” МХК 2005 йил хисоботига кўра, қулай инвестицион мухит яратилиши, чет эллик инвесторларга турли имтиёзлар берилиши, республиканинг ушбу мақсадда илғор қадам ташлаши учун хизмат қиласди. Натижада, 1992-2004 мобайнида Ўзбекистоннинг нефт ва газ соҳасига 2,0 млрд. АҚШ доллари микдорига инвестиция олиб кирилди ва ўзлаштирилди (2 – чизма).



**2-Чизма . Ўзбекистоннинг нефт ва газ соҳасига хорижий инвестициялар оқимининг динамикаси**

**Манба: “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг 2005 йил хисоботи**

Масалан, Дрессер Индастриз филиали М.В. Келлог (АҚШ) ва Нишё Иваи (Япония) “Ўзбекнефтгаз” компанияси билан Кўқдумалоқ газ конида компрессорли газ станциясини қуриш ҳақидаги келишувни имзоладилар. 1995 йилда амалга оширила бошланган лойиха йилига тахминан 2,5 млн. тонна конденсат ишлаб чиқаришни кўзда тутади. Охирги йилларда нефт маҳсулотлари ҳажми йилига 4,3 млн. тоннага етиши кутилмоқда. Кўқдумалоқда компрессор станциясининг қурилиши Ўзбекистон нефт ва газ саноатини ривожлантиришда мухим қадам бўлди, чунки айнан у чет эл инвестицияларини жалб этиш учун бошланғич нуқта вазифасини бажарди.

АББ Луммус Глобал Консорциуми (АҚШ), Мицуи ва Нишё Иваи (Япония) ҳамкорликда қурган Шўртан нефт-газ комплекси, йилига 125 минг тонна полиэтилен ва 138 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқаради. Янги газ-кимё комплекси 2001 йили қурилди ва ишга топширилди. Мустақил экспертларнинг фикрига кўра, бу корхона Ўрта Оиёда полиэтилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг йирик корхона ҳисобланади.

“Ўзбекнефтгаз” компанияси Энрон нефт ва газ компанияси (АҚШ) билан ҳамкорлик қиласди. Ўзбекистон газ конларини ўрганиш, тадқиқ этиш, ривожлантириш ва табиий газни экспорт қилиш мақсадида қўшма корхона тузиш лойихалаштирилган. Лойихага кўра

биринчи босқичда 300 млн. доллар инвестиция киритиш, кейинги 20 йил ичида 1,3 млрд. доллар маблағ киритиш қўзда тутилган. Кўшма корхона Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида табиий газ конларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишга имкон берган бўлар эди. Кўкдумалоқ лойиҳаси газ экспорти салоҳиятини йилига 6 млрд. куб-метрга етказиш имконини беради.

Нефт қазиб чиқариш саноатида Ўзбекистон собиқ Иттифоқ ҳудудида ишлаб чиқаришни мустақилликка эришгандан сўнг нолдан бошлаган ягона мамлакат бўлишга эришди. 1996 йил охирига келиб Ўзбекистон нефт мустақиллигига эришди. “Ўзбекнефтгаз» компаниясининг башоратларига кўра 2010 йилга келиб нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12 млн. тоннага, 2015 йилда эса 15 млн. тоннага етади. Бироқ ташки кузатувчилар бу фикрга шубҳа билан қараб, ишлаб чиқариш бундай юкори суръатларда ривожланмайди деган тахминларни билдирамоқдалар.

Ўзбекистонда амал қилувчи бензин тақсимоти тизими инвестицияларни киритиш ва модернизациялашни талаб қилмоқда. Ҳозирги пайтда бензин 88 та база ва 800 та бензин қуиши станциялари орқали тарқатилмоқда. 230 та ёқилғи қуиши шоҳобчаси хусусийлаштирилган. Охирги пайтда, айниқса, қишлоқ туманларида ёқилғи ташувчи машинларнинг йўл четида тўхтаб, кўчма бензин қуиши станцияси вазифасини бажараётганлигини кузатиш мумкин. Нефт маҳсулотлари тақсимоти тизимини яхшилаш Ўзбекистон ҳукуматининг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, суюлтирилган газ қуиши станциялари тармоғини (CNG) ривожлантириш ҳам қўзда тутилган. Американ Инжиниринг Инкорпорейтед (АҚШ) билан қўшма корхона ташкил этиш мўлжалланмоқда. Пировардида CNG станциялар сони 360 тага этиши кутилмоқда. Ҳозирги пайтда республика ҳудудида бундай станциялардан 33 таси ишлаб турибди. Режага кўра ҳозирги кунда бензин билан ишловчи давлатга тегишли транспорт воситаларининг катта қисмини аста-секинлик билан суюлтирилган табиий газдан фойдаланишга ўтказиш мўлжалланган. Шунга ўхшаш қурилмалар учун ишлаб чиқариш дастури ҳам ўрнатилади. Лойиҳанинг қиймати 108,5 млн. доллар атрофида баҳоланади.

1997 йилда Тексако компанияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи асосида «Ўзтексако» қўшма корхонасини тузиш ҳақида эълон қилди. Қўшма корхона олдига тижорат мақсадида нефт ишлаб чиқариш, маҳаллий нефт хомашёсидан Тексако трансмиссиялари ва гидравлик мойларини сотиш мақсад қилиб қўйилган. Мазкур қўшма корхона қўшни мамлакатларга маҳсулотларни экспорт қилишни ҳам қўзда тутади.

Худди шу йили Бухорода Франциянинг Текнип ва Япониянинг Марубени ва ЖГС компаниялари билан ҳамкорликда нефтни қайта ишлаш заводи қурилди. Бу завод Кўкдумалоқ хомашёсини қайта ишлаш билан шуғулланади. Заводнинг жорий ишлаб чиқариш қуввати 5 млн. тонна нефт конденсатини қайта ишлашга мўлжалланган. Қурилишнинг биринчи босқичи 2,5 млн. тонна маҳсулотни қайта ишлаши мўлжалланган бўлиб, унинг қиймати 270 млн. долларни ташкил қиласи, қўшимча хизмат кўрсатиш воситалари билан эса 400 млн. долларга етади. Заводнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 210 минг тонна 76-октанли бензин, 450 минг тонна 93-октанли бензин, 1,3 млн. тонна дизель ёқилғиси, 300 минг тонна авиация керосини ва 12 минг тонна олтингугуртни ташкил қиласи.

2000 йилда “Ўзбекнефтгаз” АҚШнинг «Дресссер-ренд» компанияси билан ҳамкорликда компрессор ва насос қурилмаларни қайта тиклаш, шунингдек, улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган СП «Ўз-Др сервис маркази» қўшма корхонасини туздилар.

2001 йилда “Узбурнефтегаз” АЖ “Ходж Макс” (АҚШ) билан ҳамкорликда Навбаҳор бетонити асосида «Бетонит» қўшма корхонасини тузди. Корхона ички истеъмол ва экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Қайта ишлаш секторидаги ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликка мисол қилиб “Ўзнефтмаҳсулот” АЖ, “Маджойл корпорейшн” ва “Кели корпорейшн” (АҚШ) иштирокидаги жаҳон стандартларига жавоб берувчи мотор мойлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «Фармой» қўшма корхонасини келтириш мумкин.

2004 йилнинг бошларида “Жарқўргоннефтниқайтаишлаш” АЖ, “Жарқўргоннефт” АЖ ва “Петромарус” иштирокида хом нефтни қайта ишлаш ва қўшни мамлакатларга сотиш учун акциядорлик компанияси тузилди.

Хорижлик эксперталар баҳоларига кўра “Ўзбекнефтгаз” компаниясининг фаолият кўрсатувчи нефт ва газ конларини қайта тиклаш йўли билан салоҳиятли имкониятларни ошириш мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида илк бора 2001 йилнинг 27 апрелида “Тринити Энерджи” (Буюк Британия) ва “УзПек” компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида нефт ва газ конларини разведка қилиш ва ишга тушириш ҳамда Марказий Устюрт ва жануби-ғарбий Ҳисор худудида инфратузилмалар қуриш учун келишув имзоланди.

Қонунчилик асосларини яхшилаш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш мақсадида 2001 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Ишлаб чиқаришни тақсимлаш тўғрисида»ги Қонун республика худудида инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи чет эллик инвесторларга катта имтиёзлар тақдим этади.

2002 йилда ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтириш мақсадида «Газпром» ва “Ўзбекнефтгаз” МХК ўртасида газ соҳасида стратегик ҳамкорлик ҳақида келишув имзоланди. Ушбу келишув доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, “Ўзбекнефтгаз” МХК ва «Зарубежнефтегаз» ўртасида Устюрт нефт ва газ конларини янада ривожлантириш учун ҳамкорлик ҳақида келишув имзоланди.

Мавжуд газ қувурларидан фойдаланган ҳолда аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Кўкдумалоқ ер ости газ конида «Дрессер-ренд» компанияси (АҚШ) қурилмаларидан фойдаланилди.

Америка компаниялари иштирокида Кўкдумалоқ ва Хўжаобод лойиҳалари натижалари Шўртан газ конида компрессор станцияси қуриш лойиҳаси учун таъминотчи сифатида АҚШнинг "Дрессер-ренд" компаниясидан фойдаланишга асос берди. Бу лойиҳа Истроилнинг «Батман» машинасозлик компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлиб, завод 2003 йилда ишга туширилди. Чет эллик фирмаларга тақдим этиш учун якуний босқичда турган кўплаб лойиҳалар ҳам мавжуд. 2005 йил учун “Ўзбекнефтгаз” ҳисоботига асосан компания ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида етакчи хорижий нефт ва газ компаниялари билан ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириб, турли мулкчилик шаклидаги инвестициялар киритишга қизиқиш билдирган чет эллик компаниялар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирган.

### **ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Минерал нефт ва суюлтирилган газ Россия, Украина, Тожикистон Қирғизистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Табиий газ асосан қўшни мамлакатларга - Қирғизистон, Қозогистон ва Тожикистонга ҳамда шимолий йўналишда экспорт қилинади. 2003 йилдан бошлаб полиэтилен ва олтингугурт Қозогистон, Россия, Хитой, Эрон ва Туркияга экспорт қилинмоқда.

"Узнефтегазмаш" акциядорлик компанияси маҳсулотларининг қарийб учдан бири экспорт қилинади. "Узнефтегазмаш" компаниясининг чет эллик ҳамкорлари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: "Ураган нефт маҳсулотлари" (Канада), "Акема" компанияси (Латвия), "Текнип" (Франция), "Бентек" (Германия) ва бошқалар. "Узнефтегазмаш" маҳсулотларига ISO 9001 Халқаро Стандарт Ташкилоти томонидан сертификат белгиси берилган. Қуйидаги жадвалда компаниянинг чет эллик ҳамкорлар билан фаолияти кўрсаткичлари акс эттирилган.

**“Ўзбекнефтгаз” компаниясининг 2000-2004 йиллар мобайнидаги экспорт-импорт динамикаси таҳлили, минг АҚШ доллари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2001</b>	<b>2002</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>
<b>Экспорт</b>	407929	390374	331786	558917
<b>Импорт:</b>	272493	363704	381889	400982,5
а) жумладан, ишлаб чиқариш воситалари ва захиралар импорти	130544	197519	207395	217764,8
б) инвестиция дастурини амалга ошириш учун технология ва қурилмалар импорти	141949	166185	174494	183218,7

Манба: “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг 2005 йил ҳисоботи

Юкорида кўрсатилган далилларга якун ясадиган бўлсак, охириги йиллар ичида “Ўзбекнефтгаз” МХК ижобий натижаларга эришганлигининг исботини кўришимиз мумкин, бироқ бундай натижалар табиий ресурсларнинг катта ҳажмда қазиб олинишига асосланган бўлиб, уларнинг катта қисми ишлаб чиқариш жарёнида йўқотиб юборилган. Компаниянинг жорий ҳолатини таҳлил қилиб, кўриб чиқилган жараёнларнинг катта қисми - разведкадан тортиб то қазиб олишгacha бошланғич босқичда бўлиб, ҳали давом эттирилиши лозимлиги аён бўлади. Шу сабабли ушбу секторда, айниқса, нефт қазиб олиш соҳасида инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш эҳтиёжи мавжуд.

### **МУАММОНИ АНИҚЛАШ ВА ТАКЛИФЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Ўзбекистон ҳали яхши ривожланган нефт қувурлари тизимиға эга эмас. Фақат биттагина нефт қувури бор бўлиб, у ҳам собиқ Иттифоқ даврида қурилган. Давлатларо нефт қувури Россиянинг Тюмен шаҳри, Қозигистон, Ўзбекистон, Туркманистоннинг Чоржўй вилояти орқали ўтади. Унинг Ўзбекистон худудидан ўтувчи узунлиги тахминан 450 км га тенг. “Ўзбекнефтгаз” МХК Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозогистонни Хитой, Туркия ва Покистон билан боғловчи, Марказий Осиёни бирлаштирувчи янги қурилишдан манфаатдор. Бироқ Ўзбекистон нефтининг 10-20 йил ичида нисбатан кичик ҳажмда экспорт қилиниши Ўрта Осиёда бошқа мамлакатлар иштирокисиз бундай нефт қувури қурилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ўзбекистон ҳукумати чет эллик пудратчиларни қўллаб-қувватлайди, бироқ шу билан бирга ўсиб бораётган энергия тармоғига инвесторларни жалб қилишни ҳам истайди. Ўзбекистоннинг сўнгги қонунларига асосан яқинда топилган нефт ва газ конларини геологик разведка ишларида қатнашган чет эллик компанияларга 25 йил муддатга уни ривожлантириш ҳуқуқини чўзиш имконияти билан бериш мумкин.

Шунингдек, “Ўзбекнефтгаз” МХК бир тарафдан тижорат компанияси функцияларини бажариш, иккинчи тарафдан эса сиёсий агент ва тартибга солувчи орган сифатида фаолият кўрсатишга интилиши уни тузоққа тушиб қолган, деб фикр юритишга ундейди. Бу ҳолат компаниядан чет эллик компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда икки томон манфаатларидан келиб чиқсан холда фаолият юритишни тақозо этади.

Республика ҳукумати саноатни ривожлантириш, нефт ва газ соҳасига технологияларни жорий қилишдан манфаатдорлигини ҳисобга олиб, чет эллик инвесторларнинг ҳар қандай қизиқишлигини қўллаб-қувватлайди ва уларга қурилма-жихозларини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилиш имтиёзларини яратиб беради. Кўшма корхонанинг маҳаллий ҳамкорлари ҳам чет эллик инвесторларга боғлиқ бўлади, чунки улар кўпинча етарли сармоя микдорига эга бўлмайди, маҳаллий банклардаги

фоиз ставкаларининг юқорилиги эса уларни ҳамкорликни янада жадаллаштиришга ундаиди. Шу сабабли, Ҳукумат томонидан тасдиқланган ва кафолатланган йирик инвестицион лойиҳалар машиналар, қурилмалар, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва истеъмол жиҳозлари экспорти учун катта имконият яратиши лозим.

Нефт ва газ соҳасидаги инвестициялар ҳажми 1,9 млрд.. АҚШ долларга етган. Лекин айтиб ўтиш керакки, бу ракам ҳукуматнинг бу соҳадаги чет эллик инвесторларга боғлиқ бўлмаган инвестицияларини акс эттиради. Ҳозирги пайтгача чет эл компаниялари машиналари ва хизматлари импортининг ҳажми катта, бироқ тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми кичик бўлиб келмоқда. Бу эса чет эллик инвесторларнинг мамлакатимизга кириб келишлари олдида айрим муаммолар борлигидан далолат беради. Мисол тариқасида транспортировка ва телевизорлар тизимларининг суст ривожланганлик сабабини кўрсатса бўлади

Албатта, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш учун муайян бир вақт ўтишини тақозо этади. Бироқ бу ечимларнинг муваффақиятли бажарилиши нафақат компания миқёсида балки давлат миқёсида ҳам ёндашишга ундаиди, негаки ЯИМнинг сезиларли улуши нефт ва газ маҳсулотларидан қопланади. Умумий сўзлар билан айтганда, таҳлил қилиш натижасида ҳосил бўлган таклифларнинг амалга оширилиши «Ўзбекнефтгаз» компаниясининг молиявий ҳолатини яхшилашга ҳамда жорий инвестицион сиёсатини тақоммиллаштиришга хизмат қиласди.

## МУАЙЯН ВАЗИЯТ БЎЙИЧА ЎҚИТИШ

### Вазиятнинг қисқача талқини

Умуман, тайёрланган кейс-стади ҳақиқий вазият асосида ишлаб чиқилган. Бу вазиятнинг ташкилотчилари Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида иш фаолиятини олиб борувчи ҳамда таҳсил оловчи уч кишилик гурухдан иборат.

Тадқиқот обьекти сифтида Ўзбекистон нефт ва газ саноати тармоғида фаолият кўрсатувчи “Ўзбекнефтгаз” Миллий Холдинг Компанияси танлаб олинди. Мазкур компанияни танлаб олишнинг асосий сабаби, гурух холдинг компанияси вакиллари билан яхши алоқалар ўрнатган, шу билан бирга, ушбу компания нафақат Ўзбекистонда балки бутун дунё миқёсида шон-шуҳрат таратган.

Шу сабабли, мазкур вазият ўз ичига компанияда мавжуд асосий муаммоларни аниқлаб олиб, уларни таҳлил қилишга ҳаракат қиласди. Хусусан, кейс-стадида табиий газни экспорт қилиш билан боғлиқ муаммолар, мажуд инвестицион иқлимнинг афзаликларини ва камчиликларининг таҳлили ҳамда давлатнинг компанияни бошқаришдаги ўрни каби масалалар кўриб чиқиласди. Бу йўналишда компания раҳбарияти маҳаллий ва чет эллик инвесторлар

### Ўқитиш мақсадлари

Мазкур вазият корхонадаги мавжуд инвестицион сиёсатнинг хорижий инвесторларни ҳамда тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилишда нақадар самарадорлилигини ўрганиш мақсадида маҳсус ишлаб чиқилган.

Муаммони синф аудиторияларида ўқитиш турли мақсадларни кўзлайди: реал ҳаёт мисолларини таҳлил қилиш; тингловчиларга жамоа бўлиб ишлаш имкониятини яратиш; тингловчиларнинг муаммони ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш кўниқмаларини ривожлантириш; тингловчиларни амалиётга жорий этиш мумкин бўлган энг яхши назария билан таъминлаш ва ҳоказо.

Муайян вазият воситасида компаниянинг ишбилармонлик мухитидаги ўзгаришлар ва молиявий муаммоларга реакциясини ҳар томонлама таҳлил қилиш; Ўзбекистонда эксплуатацион капитал муаммоларини тушуниш, йирик давлат корхоналарида маркетинг стратегиясини қабул қилиш ва ривожлантириш; ўз навбатида юкори сифатли маҳсулот ва хизматларни тақдим этиши мумкин бўлган компаниянинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш мумкин.

## **Вазиятни академик курсда ўқитиши**

Мазкур тадқиқот натижалари “Ўзбекнефтгаз” компанияси юқори бошқарувидағи айрим менежерлар учун фойдалы күнімаларни таклиф этади, шунингдек, вазиятдан бевосита маркетинг, халқаро бизнес, корпоратив ва бизнес стратегия йўналишларида қўллаш имконияти мавжуд.

Шунингдек, муаммони ўрганиши “Ўзбекнефтгаз” компанияси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш истагида бўлган чет эллик инвесторлар учун ҳам фойдалы бўлиши мумкин. Вазиятда келтирилган ахборот тингловчилар томонидан диссертация ёзиш ишларида қўлланиши мумкин. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари бир қанча камчиликларга эга, чунки маълумотлар асосан компаниянинг йиллик ҳисоботларидан олинган. Шу сабабли бошқа мустақил эксперталарнинг маълумотларидан фойдаланиш, тадқиқотнинг ишончлилигини ошириш имкониятини беради.

## **Вазият ва муаммо таҳлили**

Қўйида келтирилган жадвалда “Ўзбекнефтгаз” компаниясининг тадқиқот натижаларига кўра хосил бўлган кучли ва заиф томонлари ва ташқи имоният ва хавф хатарларини акс эттиради:

<p><b>Кучли томонлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>нефт ва газ тармоғида ягона монопол оператори бўлиш имконияти;</li> <li>нефт ва газ соҳасида катта тажрибага эга;</li> <li>яхши ишлаб чиқилган бошқарув тизими ва юқори малакали ишчи кучи;</li> <li>хукуматнинг кафолати;</li> <li>республика нефт ва газ маҳсулотлари устидан нарх белгилаш имконияти;</li> <li>компания тасарруфидаги арzon ишчи кучининг мавжудлиги;</li> <li>компания учун нефт ва газ мутахассисларини тайёрловчи олий ўқув юртларнинг мавжудлиги</li> </ul>	<p><b>Имкониятлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>компания фаолиятини қўшни мамлакатларга кенгайтириш учун салоҳият;</li> <li>тижорат мойларига маҳаллий ва хорижий талабнинг ўсиши;</li> <li>истикбонли нефт ва газ конларини топиш эҳтимолининг юкорилиги;</li> <li>хукуматнинг янги қарорларига асосан янги нефт ва газ конлари билан ишлашда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорлик;</li> <li>юқори сифатли маҳсулот ва хизматларни кенгайтириш, сифатни тақомиллаштириш;</li> </ul>
<p><b>Заиф томонлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>хукумат кафолатларига қарамай хорижий инвесторлар оқимининг пастлиги;</li> <li>экспорт учун газ қувурларининг етишмаслиги ва ташқи бозорнинг узоклиги</li> <li>нокулай географик жойлашув, денгизга чиқиш имкониятининг ўйқлиги;</li> <li>янгиликларни яратишда суст фаолият кишини;</li> <li>товар белгисини реклама қилиш даражасининг пастлиги;</li> <li>нефт ва газ маҳсулотларини қазиб олиш ва фойдаланишнинг нормационал усуслардан фойдаланиш ғолатлари;</li> <li>нефт захиралар хажмининг нисбатан чекланганлиги;</li> <li>жаҳон стандартларига жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятининг сустлиги;</li> <li>нефт маҳсулотларига бўлган талабнинг қондириш имконияти пастлиги;</li> </ul>	<p><b>Хавф хатарлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>инфляция ва валюта курсининг доимо ўзгариб туриши;</li> <li>хукумат томонидан компанияни бутунлай хусуylаштириш хавфи;</li> <li>ўрнатилган тизимнинг мунтазам ўзгариб туриши;</li> <li>истеъмолчилар бошқа турдаги юқори сифатли нефт маҳсулотларига қизиқиши ўсишининг эҳтимоли;</li> <li>электрон тиҷорат тизмининг яхши ривожланмаганлиги;</li> <li>қўшни мамлакатларда нефт ва газ соҳасида рақбатнинг кучайиши;</li> <li>ракобатдош қўшни мамлакатларда янги нефт ва газ конларининг пайдо бўлиш эҳтимоли</li> </ul>

## **МУҲОКАМА УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР**

1. Мамлакатда нефт ва газ соҳасидаги ягона монопол оператори компания сифатида “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг кучли ва заиф жиҳатларини муҳокама қилинг.

2. Сиз “Ўзбекнефтгаз” компанияси давлат компанияси сифатида чет эллик инвесторларни жалб қилишда ҳукумат кафолатлар ва имтиёзлар тақдим этиш туфайли кўпроқ имкониятга эга деб ўйлайсизми ёки нефт ва газ соҳасида рақобачилик мухитининг мавжудлиги улар учун яхшиrok бўларми? Нима сабабдан?

3. Сиз ўйлашингизча “Ўзбекнефтгаз” компанияси охир оқибатда тўлиқ хусусийлаштириладими ёки асосий қисми давлатга тегишли бўлиб қоладими?

4. Нефт ва газ соҳасида фаолият кўрсатувчи кўп сонли хорижий компаниялар билан муваффақиятли алоқа ўрнаташига қарамасдан, нима сабабдан Ўзбекистон ҳалигача нефт маҳсулотлари ассортиментининг чекланганлиги ва ёқилғини етарли миқдорда етказиб бериш муаммоларига дуч келмоқда?

5. SWOT-тахлилда биринчи ўринга чиқарилган мавжуд имкониятлардан қайсилари “Ўзбекнефтгаз” компанияси мисолига тўғри келади ва улардан қайсилари истиқболли дейилишига асос бўла олади?

6. Нефт конларининг захираси нисбатан чекланганлигини ҳисобга олиб, компания чет эллик инвесторларни жалб қилишни хозирги инвестицион сиёсати асосида давом эттирадими ёки вазият ўзгарадими?

## КЕЙС-СТАДИ

### «Корпоратив маданият ёки самарадорлик»?

П.Анваров, компьютерлар савдо киладиган компаниянинг маркетинг булимида раҳбар булиб ишлайди. Бозор тулган, ракобат кескинлашган, савдо хажми пасайган.

Унинг савдо вакиллари командасида, асосан оиласиз 25-30 ёшдаги инсонлар банд. Мижозларни ушлаш ва янги мижозларни жалб этиш учун улар куп, хаттоқи дам олиш кунлари хам ишлар эдилар.

Бир неча вакт аввал 35 ёшли Анвар уз булимига 37 ёшли, 6 ёшли боласини бир узи тарбиялайдиган, компьютер рехникаси маркетинги буйича тажрибали мутахассисни, Лайло Умаровани ишга олган эди.

Етарлича куп ишлаётган Умарова хафтасига 45 соатдан куп ва дам олиш кунлардан воз кечиши иложиси йук эди. Колганлар эса (боласи йуклар) унга Караганда купрок ишлашар эди, Умаровадан эса унча мамнун эмасдилар.

Охири бориб, шундай булдики, Умарова иш борасида хаммадан оркада колди, фаолият курсаткичлар паст.

Шунда гурух менежери 29 ёшли Ирода Салимова Анваровдан Умаровани бушатишини талаб этади.

Анваров кандай йул тутиш керак.

Албатта, компания етарли эмас даражада ишлаётган ходимлар ушлаб туришга узига эп курмайди. Лекин Анваров шунга аминки, Умарова яхши мутахассис ва яхши муносабатга лойик. Икки боланинг отаси сифатида уни яхши тушунади.

Бундан ташкари раҳбарият томонидан ходимларга оила кадриялари хакида куп гапирилган.

Бу тасдиклар курук гап булиб колаверадими?

Вазифа.

1. Вужудга келган низо характерини аникланг ва вазиятни тахлил килинг.

2. Ушбу муаммони ечиш учун кандай хар-хил таклифлар берар эдингиз?

3. Анваровни урнида булганингизда кандай карор кабул килган булар эдингиз.

Жавобингизни асосланг.

## **4.ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

### **Тест №1**

Агар Сизда менеджер касбини түғри танлаганлигиз ҳақида юз фоиз ишонч бўлмаса, ўзингизни яна бир бор синаб кўришга имкониятингиз бор.

Кўйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг:

1. Сизда ўз ишингизни очиб, тадбиркор бўлиш, вақт, дам олиш кунлари билан ҳам хисоблашмасдан тинмай меҳнат қилиш иштиёқи борми?
2. ҳаёт бурилишларида фавқулодда рўй берадиган турли ҳолатларда кескин ҳаракатлар учун ўзингизда куч топа оласизми?
3. Тўла аниқлик бўлмаган, бироқ катта ютуқ олиш эҳтимоли бор келишувда қатнаша оласизми?
4. Доимий ўрта маош кафолатлашган ишни, истиқболи ҳам, бироқ даромадлисига алмаштира оласизми?
5. Янги ғоя ва фикрларни севасизми?
6. Даромад келтирадиган доимий ғоялар бера оласизми?
7. ўзингизни ўта ҳавфли, таҳликали ҳолатларда синаб кўришни ҳоҳлайсизми?
8. ўзингизда бўлмаган пул миқдорини гаровга тика оласизми?
9. Яхши ҳақ тўланадиган бошқа иш бўлиши кафолати бўлмаса, ўзингизга ёқмаган ишдан воз кечасизми?
10. Раҳбариятингизнинг Сизнинг янги фикр, ғояларингизга нисбатан муносабати ноаник бўлмаган ҳолларда ҳам уларни беришда давом этасизми?
11. Ҳаракатингиз мустақилми?
12. Катта ҳаётий энергия заҳираси соҳибимисиз?
13. Асабни “қитиқлайдиган” воқеалар, ҳолатларни ёқтирасизми?
14. Кўп хизмат сафарларига боғлиқ ишга рози бўлармидингизми?
15. Сизга кескин баҳсли ўйинлар ўйнашга түғри келса, ката миқдорни тикишга ҳаракат қиласидингиз?

Ижобий жавобларингиз натижаларини сананг, 13 ва ундан юқори сонлар олинган бўлса, ўзингизни тадбиркорликда синаб кўришингиз мумкин.

### **Тест №2**

#### **Инсон соглиғининг менеджер касбига түғри келиши**

- 1. Кўнгилсизликлар ҳақида узок ўйлайсизми?**  
ха (5), тез-тез (4), баъзан (2), ҳеч қачон (1)
- 2. Кечқурун ўзингизга кўп вақт ажратасизми?**  
Уч соатдан кўп (0), икки соат (0), бир соатдан кам (2), ажратмайман (4)
- 3. Ортиқча тафсилотларни ҳам гапираётган сухбатдошингизни гапини ўласизми?**  
ха (4), тез-тез (3), кам (1), йўқ (0)
- 4. Доим шошиб юрасизми?**  
ха (5), кўп шошаман (4), баъзан шошаман (1), ҳеч қачон шошмайман (0)
- 5. Бирор кишидан ёрдам сўраб илтимос қилиш Сизга қийинчилик туғдирадими?**  
ха (3), Шароитга боғлиқ (2), жуда кам (1), ҳеч қачон (0)
- 6. Бўш вақтларингизда ҳам ўз муаммоларингиз ҳақида ўйлайсизми?**  
Жуда кўп (5), баъзан (2), ҳеч қачон (0)
- 7. Бирор киши ишни бажара олмаса, Сизда унинг ўрнида бўлиш истаги бўладими?**  
ха (5), тез-тез (4), баъзан (2), ҳеч қачон (0)
- 8. Ширин таомдан ўзингизни тийишингиз қийинми?**  
ха (3), тез-тез (2), баъзан (1), кам, ҳеч қачон (0)

- 9. Бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажара оласизми?**  
ха (5), тез-тез (4), баъзан (3), кам (1), ҳеч қачон (0)
- 10. Суҳбат чоғида фикрингиз бошқа нарсалар Билан банд бўладими?**  
Тез-тез (5), кам (4), бўлади (3), жуда кам, ҳеч қачон (0)
- 11. Сизда одамлар жуда зерикарли ва фойдасиз нарсалар ҳақида гапираётгани тўғрисидаги фикр бўладими?**  
Доимо (5), жуда кам (4), баъзан (1), кам, ҳеч қачон (0)
- 12. Навбатда турганда асабийлашасизми?**  
Доимо (4), тез-тез (3), баъзан (2), жуда кам (1), ҳеч қачон (0)
- 13. Бошқаларга маслаҳат бериш Сизга ёқадими?**  
ха (4), рисоладагидек (3), баъзан (1), кам. ҳеч қачон (0)
- 14. Қарор қабул қилишдан авва иккиланасизми?**  
Доимо (3), баъзан (2), тез-тез (1), жуда кам, ҳеч қачон (0)
- 15. Сиз тез гапирасизми?**  
Тез, айтишув услубида (3), шошилиб (2), теран фикр билан, шошмасдан (0)
- 50 дан 63 гача – асаб таранглашиши юқори. ўз соғлигингиз ҳақида ўйлашингиз ва ҳаёт тарзингизни ўзгартиришингиз лозим.
- 20 дан 49 гача соғлигингиз яхши, бироқ ўзингизни бўшашишга, толикиш олишга ўргатишингиз керак.
- 19 гача – Сизнинг асосий фазилатингиз - босиқлик, теранлик. Камчиликларга эътибор берманг, ўз омадсизлигингизни чукурлаштирунг.

### Тест №3

Бадавлат бўлиш қобилияти ҳақида қўйидаги саволларга жавоб беринг.

1. қайси усулда “пул қилиш” енгил ?  
а) кўп ишлаш, хатарга юз тутиш, ишлаб топилган пулларн ишга тикиш (6);  
б) мерос, омадга ишониш, рулетка ўйнаш ва ҳоказо (0);  
в) барча боскичларни ўтиб, мансабга эришиш, ёки сиёsat билан шуғулланиш (3);
2. қайси персонаж Сизда кўпроқ кулги чақиради?  
а) Дональд Дақ (3);  
б) В.Жириновский (0);  
в) 70-йиллар плакатларидаги «Ишчи ва колхозчи аёл» (6)
3. Даромаднинг канчалик миқдори (АҚШ долларида) Сизнингча дунё бадавлат кишиларида шартнома тузишга ундаёди?  
а) ярим миллиондан миллионгacha (0);  
б) 10 миллионгacha (3);  
в) ўн миллион ва ундан юқори (6)
4. Бу ибораларда қайси бирига қўшиласиз?  
а) ҳаётда пул қанчалик кўп бўлса, имконият ва кўнгилхушлик ҳам шунчалик кўп бўлади (6);  
б) пул ҳукмдорликни англатади (3);  
в) пул кўп ҳасад чақиради (0)
5. “МММ” АЖ каби фирма фаолиятидаги ролингиз?  
а) унинг халқ билан ўйинларига қатнашмаслик (3);  
б) ишлаб олиш мақсадида оддий жамғармачи сифатида қатнашиши (0);  
в) шунга ўхшаш фирма бошқарувчиси бўлиш (6)

6. Турли газеталар “Киборлар ҳаёти” сарлавҳасида Сиз ва Сизнинг бозор фаолиятингиз ҳақида ахборот беришларига эътибор берасизми?

- а) бунга хурсанд бўлардим (0);
- б) йўқ (6)

7. От пойгасида қайси усулда ютуқ олиш эҳтимоли кўпроқ?

- а) юқори миқдор билан хатарга юз тутиш (0);
- б) ката бўлмаса ҳам, аниқ ютуққа пул тикиб, пулни тежаш (3);
- в) ғалаба қозонган отни сотиб олиш (6)

8. Сизнингча ким тез, аниқ, ишончли, легал равишда бадавлат бўлиш имкониятига кўпроқ эга?

- а) актер, рассом, спортсмен – рекордчи (0);
- б) шифокор, сиёsatчи, адвокат, маклер (3)
- в) фирма бошлиғи, банк президенти (6)

9. ўртоқлар орасидаги бизнес фаолиятига қандай қарайсиз?

- а) мен ўртоқларимни пуллар билан сийлашга тайёрман. Балким қачондир улар ҳам менга қарз беришар (3);
- б) пул ва дўстлик қарама - қарши (6);
- в) мен дўстларимга қарз беришдан кўра, уни олишга тайёрман (0)

10. Сизда миллионер бўлишга имконият туғилган тақдирда, ундан лаззат олармидингиз?

- а) албатта лаззат олардим (0);
- б) ўз лаззатимни менга ишонмаган ёки менга паст назар Билан қараганлар кўрсатардим (3);
- в) йўқ (6)

11. ўз миллионларингизни қайси фаолиятга киритган бўлардингиз?

- а) ишончи акциялар ва бошқа қимматбаҳо қофозларга (3);
- б) кўчмас мулк, антиквариатга (6);
- в) мен хотиним (эрим) ҳоҳлагандек иш тутардим (0)

12. Агарда Сизда ҳозирда 100 миллион бўлса, қўшимча даромад олишга ҳаракат қиласидингиз?

- а) 15 миллион камидан – балким, бироқ катта миқдордан воз кечмасдим (3);
- б) албатта (6);
- в) йўқ, чунки 100 миллион менга етади (0)

Энди йиилган сонларни қўшинг. Агарда Одан 23гача йиққан бўлсангиз, бу Сиз учун бадавлат бўлиш тўлиқ равишда ҳодисага боғлиқ - ёки омадли ўйланиш, ёки мерос олиш, ёки лотереяда ютиш ва бошқалар.

24дан 48гача. Бойлик Сизга катта меҳнат Билан келади. Иқтисодий ҳатти-ҳаракатлардан ўзингизни сақланг. Яхшиси ўз таъминотингизга аста-секин эришинг. Бу Сизга кутилган миллионларни кам олиб келсада, ҳаётингиз моддий жиҳатдан деярли таъминланган бўлади.

49дан 72гача. Сизда миллионер бўлишга юксак имкониятлар бор (агарда ҳозирда миллионер бўлмасангиз). Сизда ақл тижорат усулига йўғрилган дўстлик ва бойликни боғлай оласиз. Сиз бой ҳаёт тарзи Билан мақтанишни ёқтирумайсиз, аста-секин бойлигинингизни кўпайтиришга ҳаракат қиласиз.

Америка нашриётларининг таъкидлашича дунёда 6% киши “пул қилиш” қобилиятига эга. Агарда Сиз бугунги сўровимизда кичик баллар олган бўлсангиз, тушкунликка тушманг – чунки ҳаётда жуда кўп қизиқарла имкониятлар бор.

## Тест №4

Банк ёки фирма иқтисодиёти бўйича менеджернинг сифат фаолиятини аниқлаш.

қўйидаги саволларга жавоб беринг:

- Жамоага маоши бюджет маблағларидан ташқари маблағлар ҳисобига 1,5-2 марта оширишни ҳохлармидингиз?  
ха Йўқ
  - ўз фаолиятингиз чегарасида Ўзбекистоннинг турли минтақалари Билан 72 соат ичидаги тезкор ҳисоб китоб қилишингиз лозим, бироқ, бу ҳозирда фақат орзу холос.  
ха Йўқ
  - Сиз банқдан ҳохлаган вақтингизда бепул тарзда нақд пул маблағлари олишни ҳохлайсиз.  
ха Йўқ
  - Сизга хазиначининг маоши учун офисга келтириб тарқатишдан кўра троллейбусда олиб юриш ёқмайди.  
ха Йўқ
  - Сиз ёки ҳисобчингизда персонал компьютер бор ва Сиз офисдан чиқмасдан, банкгача бўлган масофада бир неча соат йўқотмасдан ҳисоб счетлари Билан шуғулланишни истайсиз.  
ха Йўқ
  - Сизнинг бош ҳисобчингизга чорак ёки йиллик балансни топширишгача солиқка тортиш бўйича профессионал консультация керак.  
ха Йўқ
  - Сизнинг ҳисоб-китоб ҳисобингиздаги қолдиқ маблағларга 100% йиллик улуш қўшилиши корхонангиз даромади бўйича қонун томонидан жиддий моддага асос бўлишига розисиз.  
ха Йўқ
  - Корхонангиз ҳисоб-китоб ҳисобида баъзан баъзи маблағлар (аванс тўловлари ва бошқалар) 2-7 кун муддатга (масалан, дам олиш кунларига) “осилиб” қолади ва Сиз ҳозирга улар учун фоиз олиш усулини топмадингиз.  
ха Йўқ
  - Савдодан тушган маблағларнинг бепул инкассациясини ҳохлайсиз.  
ха Йўқ
  - Сиз ўта банд бўлишингизга қарамасдан ойига бир маротаба банкнинг Сизнинг ҳисобингиз бўйича статистик таҳлили билан танишиш учун ярим соат вақт топасиз.  
ха Йўқ
  - Сиз банк Билан фақат 13.00гача эмас, соат 9.30дан 18.00гача ишлаш қулай эканлигига розисиз.  
ха Йўқ
  - Сиз банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича воситасиз ишлашдан чарчадингиз ващ у түфайли ҳисоб ракамини очишдан кредит хужжатларини

расмийлаштириш даражасигача бепул хизматда бўладиган ходимга эга бўлишни ҳоҳлайсиз.

ҳа

Йўқ

Агарда Сиз тасдиқ жавобини берган бўлсангиз:

0-3 саволга – Сиз шунчалик чарчагансизки, Сизда иқтисодий реаллик сезгиси йўқолган;

4-5 саволга – Сиз шу даражада ўз ишингизга берилгансизки, замонавий банк Сиз ўйлагандан кўра кенгроқ имкониятларга эга;

Сизда барча муаммоларни ҳал этишга реал имкониятлар бор.

### Тест №5

Менеджернинг оиласи муносабатлари психологияси бўйича қўйидаги саволларга жавоб беринг:

**1. Нонуштани ўзингиз тайёрлайсизми?**

ҳа – 3

Йўқ - 1

**2. Дам олиш кунларида бирор байрамона таом тайёрлайсизми?**

ҳа – 3

Йўқ - 1

**3. Дам олиш кунлари хотинингизга бозорда харид қилишда ёрдам берасизми?**

ҳа – 3

Баъзан - 2

Йўқ - 1

**4. Ойлани сабзавотлар, картошка Билан таъминлаш мажбуриятларларингизга кирадими?**

ҳа – 3

Баъзан - 2

Йўқ - 1

**5. Уйда хоналарни тозалашда хотинингизга ёрдам берасизми?**

ҳа – 3

Баъзан - 2

Йўқ - 1

**6. Уй юмушларини енгиллаштирадиган мосламалар, ошхона комбайнин билан оиласи таъминладингизми?**

ҳа – 3

Баъзан - 2

Йўқ - 1

**7. Мактаб ёки боғчага ота-оналар йиғилишига қатнайсизми?**

ҳа – 3

Баъзан - 2

Йўқ - 1

**8. Уйингизда электр тизимлари куйиб қолса, уларни алмаштирасизми?**

ҳа – 3

Баъзан - 2

Йўқ - 1

**9. Хотинингиз сартарошхона ёки косметик салонга кетганда, уйда қолиб овқат тайёрлаш жигингизга тегадами?**

ҳа – 1

Баъзан - 2

Йўқ - 3

**10. Хотинингиз ишдан кеч қайатганда жаҳлингиз чиқадими?**

ҳа – 3

Баъзан - 2

Йўқ - 1

Йиғилган балларни ҳисобланг:

#### 26дан 30гача

Сизнинг хотинингизга омад қулиб боқкан; чунки Сиз доим уй юмушларида ёрдам берасиз. Бу эса ўз навбатида хотинингиз томонидан кўтарингки кайфият ва эҳтиром билан тақдирланади.

#### 16дан 25гача

Уй хўжалигида Сизнинг иштирокингиз чекланган. Хотинингиз уйда бажараётган юмушларни ўргансангиз, қанчалик ишларни ўз зиммангизга олишингизни билиб оласиз.

#### 10дан 15гача

Сиз уй юмушларида хотинингизга умуман ёрдам бермайсиз. Бу ҳурматга сазовор эмас.

### Тест №6

Мижозларга фирмангиз маҳсулоти ёки хизматларни таклиф этиш самарадорлиги бўйича қўйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Махсулотнинг қайси хусусиятлари ва таърифларини қай тартибда эътироф этиш ҳақида аввалдан фикр юритасизми?
2. Мижозга ўзи ҳоҳлаган ва унинг истеъмол талабини қондирадиган махсулот таклиф эта оласизми?
3. Мижозга махсулотни кўрсатишдан аввал унинг қандай хусусиятларига ва сифатларига эътибор беришингиз ҳақида гапирасизми?
4. Мижозга махсулотнинг фойдалилиги, унга эришиш билан сарф-харажатларни камайтириш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва бошқалар ҳақида таъкидлайсизми?
5. Махсулотлар тақдимоти маросимига астайдил (ходимлар, хоналар, шартшароитлар) тайёрланасизми?
6. Мижозни махсулотни иш жараёнидаги тақдимотига жалб этасизми (оператор, контролер, синовчи сифатида)?
7. Махсулот тақдимотида кўшимча эффектлардан (нур, овоз, ранглар, механик) фойдаланаисизми?
8. Тақдимот вақтида мижоз эътиборини жалб этадиган барча воситалар қўл остингизда бўладими (эксплуатация йўриқномалари, техник тушунтиришлар, баҳолар жадвали ва бошқалар)?
9. Тақдимот тугагандан сўнг мижоз учун махсулотнинг асосий устунлик сифатларини таъкидлаб, хуносалар чиқарасизми?
10. Тақдимот тугагандан сўнг мижозга буюртма учун аввалдан тўлдирилган бланкни имзо учун топширасизми?

Баҳолаш:

Доимо – 15 балл, одатда – 10 балл, аҳёнда – 5 балл, ҳеч қачон – 0

Баҳоларни сананг:

120дан юқори бўлса – жуда яхши, 95-120 – яхши, 70 - қониқарли,  
70дан паст - қониқарсиз

**Тест №7**  
**Бизнес этикаси бўйича**  
**(баҳолар баллар бўйича)**

Жавоб беринг	Розиман (0)	Асосан розиман (1)	қўшилмайман (2)	Мутлақо қўшилмай ман (3)
1	2	3	4	5
1. Фирманинг барча ходимлари раҳбарларга ўз хатолари ҳақида ахборот бермайдилар. 2. Баъзан менеджер фирма фойдасига контрактлар шартларини бузади, масалан хавфсизлик қоидаларига риоя қилмайди. 3. ҳар доим ҳам харажатлар ҳисботида аниқ маълумотлар шарт эмас, яқин сонлар берилиши кифоя. 4. Баъзан раҳбарлардан айrim қўнгилбузар ахборотларни яширган маъкул.				

<p>5. ҳатти-ҳаракатларида гумонингиз бўлсада бошлиқ буйруғини бажариш шарт.</p> <p>6. Зарурат бўлса, иш вақтида шахсий ишларни бажариш мумкин.</p> <p>7. Ишдаги имкониятларини билиш учун баъзан ходимни иш фаолиятини текшириш шарт.</p> <p>8. ўзимга фойдали бўлса фирма мижозига ишончли ахборотни бериш мумкин.</p> <p>9. Агар у банд бўлмаса, шахсий масалаларни ҳал этиш учун хизмат алоқа тармоғидан фойдаланиши мумкин.</p> <p>10. Менеджерни сўнгги натижа қизиқтиради, шунинг учун мақсадга етиш йўлида барча усувлар фойдали.</p> <p>11. Шартнома тузиш учун яхши банкет лозим бўлса, уни ўтказиш керак.</p> <p>12. Амалдаги йўриқномаларни бузмасдан яшаш мумкин эмас.</p> <p>13. Агарда хазиначи қайтимини тўлиқ бермаса, бунга чидаш мумкин.</p> <p>14. Баъзан компаниянинг нусха кўчирувчи мосламасини шахсий мақсадларда ишлатиш мумкин.</p> <p>15. Компанияга тегишли канцелария буюмларидан баъзиларини (қофозлар, ёзув машинаси лентаси ва бошқалар) уйга олиб кетиш мумкин, чунки мен шу компанияда ишлайман.</p>				
---	--	--	--	--

Натижалар:

- |              |                                       |
|--------------|---------------------------------------|
| 0 – 5 балл   | – Сизнинг этикангиз мақтовга сазовор; |
| 6 – 10 балл  | – Сизда этика юқори даражада;         |
| 10 – 15 балл | - Мос келади;                         |
| 16 – 26 балл | - ўрта этик даражада;                 |
| 26 – 35 балл | – Сизга маънавий юксалиш зарур;       |
| 36 ва юқори  | – жарликка қулашдан сақланинг.        |

### Тест №8

Менеджер-эркакларнинг аёлларга муносабати қўйидаги саволларга “ҳа” ёки “йўқ” жавобини беринг.

1. Гўзал аёллар кетидан тикилиб қоласизми?

ҳа – 1

Йўқ - 0

2. ўтган аёл изидан қараганингизда, унинг ҳам ўтирилиб, Сизга қараган ҳолати бўлганми?  
ҳа – 3 Йўқ - 0

3. Аёл Сизга ёқиб қолган вақтда уни олдингизда, пляжда тасаввур қила оласизми?  
ҳа – 2 Йўқ - 0

4. Кўзгуга қараганингизда ўзингизга маҳлиё бўласизми?  
ҳа – 1 Йўқ - 0

